

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ
КАФЕДРАСИ

Ш.К.САТИЕВ

СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ХАКАМЛИК ҚИЛИШ ФАНИДАН

ФУТБОЛ ЎЙИНИ ҚОИДАЛАРИ ВА МУСОБАҚА ТАШКИЛ ЭТИШ

Услубий қўлланма

Наманган 2017

Ушбу услубий қўлланма ОТМларда жисмоний маданият мутахасислиги бўйича тахсил олаётган талабалар, касб-хунар коллежлари талабалари , олимпия захиралари спорт коллежлари коллежларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ва мураббийларга учун мўлжалланган.

Тузувчи : Жисмоний маданият назарияси ва
методикаси кафедраси ўқитувчиси. Ш.К Сатиев

Такризчилар:

Т.У.Исмоилов.

Жисмоний маданият назарияси ва
методикаси кафедраси мудири п.ф.н.

Н.Н .Азизов.

Жисмоний маданият назарияси ва
методикаси кафедраси доцент п.ф.н

Мазкур услубий қўлланма Наманган давлат университети ўқув услубий кенгаши нинг 2017 йил _____даги №__ сонли кенгашида маъқулланган ва чоп этиш учун тавсия этилган.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан футболни ривожлантириш учун қарорлар қабул қилди. 1993 йил 18 мартдаги 144–сонли «Ўзбекистон Республикасида футболни кейинги истиқболларини белгилаш тўғрисида»ги қарори, 1996 йил 17 январдаги 27–сонли «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 1998 йил 16 июл 238–сонли «Ўзбекистонда футбол тарақиёти жамғармаси фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб қуватлаш тўғрисида»ги қарори, 2006 йил 1 майда «Ўзбекистон футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 2011 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикасида 2011-2013 йилларда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистонда турли спорт ўйинларидан “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, “Универсиада” спорт ўйинларини ўтказиш, давлат ва халқаро стандартлар асосида қурилаётган болалар спорт масканларини замонавий спорт инвентар ва жиҳозлар билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди. Спорт ташкилотлари ташаббуси билан ўтган йилларда ёшлар ўртасида оммавий спорт ўйинларидан футбол, волейбол, баскетбол каби спорт ўйинларини ривожлантириш, шунингдек, ногирон болалар ўртасида эса спорт мусобақаларини ўтказилди.

Ҳукуматиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътиборнинг юқорилиги, шунингдек, спорт клублари фаолиятини ҳам юқори баҳолаш мумкин. Болалар спортини ривожланишида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад¹:

- ўсиб келаётган болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини яратиш;
- болаларнинг спорт тарбияси ва болалар спортини ривожлантириш;
- қишлоқ жойларда ёш қизларни доимий равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш;
- ҳудудларда янги спорт клубларини, спорт иншоотларини бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш;
- спорт клубларини бошқаришда менежер сифатида юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш олдимизда турган ҳамда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Айнан юқорида келтирилган футбол соҳасида қабул қилинган қарорларда ёш футболчиларни футбол билан шуғулланишида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган спорт иншоотларини қуриш, жаҳон

талабларига жавоб берадиган футбол майдонлари ва спорт залларини кўпайтириш, энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали футболчилар тайёрлаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизимини тобора такомиллаштириш кўзда тутилган.

Футбол–ўқув фани сифатида барча таълим муассасалари ўқув режасига киритилган, дарсдан ва ишдан ташқари вақтларда фаолият кўрсатадиган спорт тўғараклари, футбол клубларида махсус режалаштирув ҳужжатларига асосланган ўқув-тренировка жараёнига жорий этилган. Шу билан бир қаторда, айти кунда футбол бўйича истеъдодли спорт заҳиралари ва юқори малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш ҳамда оммавий футбол географиясини янада кенгайтириш, машғулот ва мусобақаларни лмий асосда ташкил қилиш зарурияти юксак касбий-педагогик салоҳиятга эга мутахассис кадрлар етиштириш муҳимлигига эътибор қаратади.

Жисмоний тарбия ва спорт, жумладан спорт ўйинларининг турлари бўйича ўқитувчи-мураббий касбига ихлос қўйган, уни танлаган таълим йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган ҳар бир талаба Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳақидаги Қонунлар талабларига мувофиқ шахс сифатида шаклланиши, касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни чуқур ўзлаштириш билан бир қаторда, юксак маънавий ва маданий хислатларга эга бўлиши, ақлан теран, мустақил фикрловчи, ижодкор, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзида жо қилган, мураккаб вазиятларда ташаббус ва масъулиятни ўзига олишга қодир, кенг дунёқарашга эга мутахассис бўлиб етишиши лозим .

Футбол ўйини тарихи ва ривожланиши

Футбол энг қадимий ўйинлардан бири бўлиб, оёқ билан тўп ўйнаш Британ оролларида IX асрдаёқ жуда машҳур бўлган.

1863 йил 26 октябрда Лондонда Англия футбол уюшмаси ташкил этилган ва бу ўйиннинг 13 моддадан иборат бўлган илк расмий қоидалари тасдиқланган.

Футбол ўйинининг илк қоидаларида белгиланишича, майдон узунлиги 200 ярд (183 метр), кенглиги 100 ярд (91метр)дан ошиқ бўлмаслиги керак. Дарвозалар икки устундан иборат бўлиб, улар орасида тўсин бўлмаган ва устунлар орасидаги масофа 8ярд (7,32м) бўлган. Дарвозабоннинг қўл билан ўйнашга ҳаққи йўқ эди. 1871 йилда ўнг қўл билан ўйнашга рухсат берилган, у ҳам бўлса фақат дарвоза майдони ичида.

Узоқ вақт мобайнида на жарима тўпи, на 11 метрлик зарба бўлган. Қоидабузарлик учун эркин зарбалар билан чегараланиб қолинаверган. Ниҳоят, 1891 йил энг қатҳий жазолардан бири–11 метрлик зарба киритилди.

Футбол майдонида ҳакам 1880 йилда пайдо бўлди, 1 йилдан сўнг эса ҳакам иккита ёрдамчиси билан майдонга чиқа бошлади. Ҳуштак 1878 йилда киритилди, бунга қадар ҳакам тўхтатиш ёки ўйинни қайта бошлаш учун

овоздан ёки қўл ҳаракатларидан фойдаланган. Ўша йилларда барча миллий футбол уюшмалари учун қоидалар бир хил ёки мажбурий бўлмаган. Ҳар бир уюшма ўз хоҳишига кўра бу қоидаларга турли ўзгартиришлар киритиши мумкин эди. Бу вазият халқаро учрашувлар ўтказиш ёки халқаро мусобақалар ташкил этишда қийинчиликлар туғдирар эди.

1882 йили мустақил футбол иттифоклари, яъни Англия, Шотландия, Уэлс ва Ирландия иттифокларининг бирлашуви бўлиб ўтди. Бунда ягона қоидалар қабул қилинди ва футбол қоидаларида у ёки бу ўзгаришларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро Кенгаш тасдиқланди.

1871 йилда Англияда мамлакат Кубогининг йўналиши тасдиқланди. Халқаро миқёсдаги илк футбол учрашуви Англия ва Шотландия жамоалари ўртасида 1873 йилда бўлиб ўтди. Ўйинчилар сони Англия жамоасида 7 та ўйинчи ҳужумда, 1 таси ярим ҳимояда, шунингдек, 2 та ҳимоячи ва 1 та дарвозабон бўлган. Шотландия жамоаси таркибида эса 6 та ҳужумчи, 2 та ярим ҳимоячи бўлган.

XIX асрнинг 80-йилларида футбол ўйини Европа қитъасидаги мамлакатларга ёйила бошлаган. 1875-йилда футбол Голландияга, кейинроқ Данияга кириб келди. 1882-йилдан бошлаб Швейцарияда, 1890 йилдан Чехияда, 1897 йилдан эса Россияда футбол ўйнай бошладилар.

1882 йилда халқаро уюшмалар бошқармасига асос солинди. 1904 йил 21 майда Франция ташаббуси билан ҳозирда 200 дан ортиқ давлатлар аҳзо бўлган Халқаро Футбол Уюшмаси – ФИФА ташкил этилди. ФИФА билан бир қаторда 1954 йилдан бошлаб Европа Футбол иттифоқи – УЕФА ҳам фаолият кўрсатади.

1930 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионати, 1958-йилдан бошлаб эса миллий терма жамоалар қатнашадиган Европа чемпионатлари ўтказиб келинмоқда. 1900-йилда футбол олимпия спорт турига айланди, аммо расмий жиҳатдан Олимпия ўйинлари дастурига 1908 йилда киритилган.

Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) 1954 йили тузилган бўлиб, ҳозирги вақтда 44га яқин мамлакатларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Футбол федерацияси 1994 йилдан ФИФА ва ОФК га аҳзо бўлган, ҳозирда ФИФА ва ОФК томонидан ўтказиладиган барча расмий мусобақаларда қатнашиб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистонда замонавий футбол ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлган. Унинг ривожланиш жойлари Фарғона, Тошкент, Андижон, Қўқон ва Самарқанд эди.

Илк бор футбол жамоаси 1912 йилда Фарғона шаҳрида ташкил топган. Бир оз вақт ўтгач, Тошкентда ҳам футбол ўйнай бошладилар. Тошкентлик футбол ишқибозлари орасида энг машҳур жамоа бу ТОЛС–Ташкентское общество любителей спорта (ТСИЖ–Тошкент спорт ишқибозлари жамияти) эди.

Бу жамият 1912 йилда тузилган бўлиб, жуда қисқа вақт ичида футбол ҳамда бошқа спорт турларининг ривожланишига хизмат қилди. 1913 йил 29 августда улар ТОЛС футболчилари билан учрашув ўтказдилар. Унда Тошкент жамоаси 5:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди.

1913-йил июнида Андижонда «Андижон футболчилар клуби» тасдиқланди. 1914-йил 25 майда Тошкентда Ўзбекистоннинг энг кучли икки жамоасининг марказий учрашуви бўлиб ўтди.

1920 йилдан бошлаб футбол республикамизнинг чекка қишлоқ ва маҳаллаларига кириб бориб, машҳур ўйинга айланди.

1921 йил Москва ва Тошкент футболчиларининг илк учрашуви ўтказилди. 1925 йилда мамлакат Жисмоний тарбия кенгаши томонидан оммавий жисмоний тадбирларнинг тақвими тузилди. Шунга кўра Тошкент биринчилиги 3 тоифа бўйича ўтказилди ва унда 28 жамоа иштирок этди. 1927 йилда I-умумўзбек спартакиадаси ўтказилди.

1928 йил Москвада бўлиб ўтган халқаро спартакиадада Ўзбекистон футболчилари ҳам қатнашди. Футбол бўйича спартакиада биринчилиги учун 22 жамоа кураш олиб борди, улар қаторида Англия, Германия, Австралия, Швейцария ва Финляндиянинг ишчи клублардан иборат терма жамоалари ҳам бор эди.

Швейцария ва Ўзбекистон жамоаларининг учрашувида ўзбек футболчилари жамоавий ўйин, чиройли ва чаққон комбинациялар намойиш этдилар ва Ўзбекистон футболчилари 8:4 ҳисоб билан ғалаба қозондилар.

1932 йилда Ўзбекистонга немис футболчилари ташриф буюрдилар. Ўзбек футболчилари бу ўйинга қаттиқ тайёргарлик кўриб, биринчи матчда 4:2 ҳисобидаги оғир ғалабани қўлга киритдилар.

1934 йил Ўзбекистон пойтахтида илк Ўрта Осиё спартакиадасининг очилишига бағишлаб 36 минг нафар жисмоний тарбия ихлосмандлари намойиши бўлиб ўтди. Футбол бўйича мусобақалар бир пайтнинг ўзида уч стадионда бўлиб ўтди, улардан энг йириги спартакиада очилиши арафасида қурилган 10 минг ўринли «Спартак» стадиони эди. Бу Ўрта Осиё республикалари орасида футбол биринчилиги учун олиб борилаётган илк ўйинлар эди. Ўзбекистон футболчилари ўз рақиблари бўлмиш Туркманистонни 3:1, Тожикистонни 5:0, Қирғизистонни 10:1 ҳисоби билан доғда қолдириб, муваффақиятли чиқиш қилдилар.

30-чи йилларнинг бошида болалар ва ўсмирлар футболга янада кўпроқ эътибор берилди. 1935 йил Тошкентда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигининг илк танлови ўтказилди. Унда Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон терма жамоалари иштирок этиб, пойтахтлик ёш футболчилар ғалаба қозондилар.

1936 йил шаҳар футбол бўлими (секция) қарорига биноан Тошкентда футболга ихтисослашган биринчи болалар ва ўсмирлар мактаби очилди. Шу йили Ўзбекистон биринчилигида 16 шаҳардан терма жамоалар иштирок этди.

1937 йилдан бошлаб футбол мусобақалари асосида шаҳар терма жамоаларининг матч ўйинлари эмас, балки Ўзбекистон Кубоги ва биринчилиги учун клуб жамоалар мусобақалари ўтказила бошлади. 1937 йил футбол мавсумининг аҳамиятли ҳодисаси – собиқ Иттифоқ чемпионати эди: 56 жамоа ўртасидаги гуруҳларда ўйналди. Ўзбекистон шаҳрини Тошкентнинг “Динамо”чилари ҳимоя қилдилар. Улар футбол бўйича мамлакат чемпионатида иштирок этган биринчи Ўзбекистон жамоаси эди.

Ўз ўйинлари билан тошкентликлар синалган чарм тўп усталарига муносиб рақиб бўла олишларини исботладилар. Улар Европанинг «Спартак» жамоасини 5:0, Бакунинг «Нефтчи»сини 3:2, Днепропетровскнинг «Сталл» жамоасини 2:1, Горькийнинг «Торпедо» жамоасини 1:0 ҳисоби билан ютиб, ўз майдонларида чиройли ўйинлар ўтказдилар. Москвада «Крилға Советов» жамоаси билан 2:2, Ленинградда «Авангард» билан 1:1 ҳисобида ўйин кўрсатдилар. Шу йилнинг ўзида Тошкентда ўтказилган «Беш йўл» турнирида «Локомотив» жамоаси муваффақиятли чиқиш қилди. Бу турнирда Куйбишев, Оренбург, Туркистон-Сибир, Ашхабод ва Тошкент темир йўллари жамоалари ҳам иштирок этди. Барча рақибларни енгиб, тошкентликлар 1-ўринни эгаллади.

1939 йилда собиқ Иттифоқ Кубоги учун курашда Тошкент “Динамо”чилари катта муваффақият қозонди. 1942 йилда Ўзбекистон Кубоги учун курашда Тошкентдан иккита, Фарғона ва Самарқанддан биттадан жамоа иштирок этди.

1943 йили Олмаотада уруш даврининг қийин шароитларида Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон спартакиадаси ўтказилди. Республикамиз футболчилари техник футбол ўйинини намоиш этиб, Туркменистон жамоасини 9:0, Тожикистонни 3:0, Қирғизистонни 5:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратди.

1950 йилда Ўзбекистонда «Пахтакор» спорт жамияти ташкил этилди. 1960-1991 йилларда (танаффуслар билан) «Пахтакор» собиқ Иттифоқнинг олий лигасида иштирок этиб келди. Бу ислохотлар ва туб ўзгаришлар даври бўлган эди. Кичик гуруҳ (подгруппа) лардаги саралаш ўйинларидан кейингина чемпионатга йўл олинарди. Олий лигага чиқиш учун тайёрланадиган жамоа Тошкентнинг икки жамоаси асосида тузилган бўлиб, булар «Пахтакор» ва «Меҳнат заҳиралари» («Трудовўе резервў») клублари эди. Йигирма йил танаффус билан икки бора 1962 ва 1982-йилларда Пахтакор олий лигада фахрли 6-чи ўринга сазовор бўлган.

Икки маротаба «Пахтакор» футболчилари олий лига чемпионатининг энг яхши ҳужумчилари деб тан олинган. 1968 йил Б.Абдураимов Тбилиси «Динамо»си ўйинчиси билан бирга (22 тадан гол) ва 1982 йилда А.Якубик (23 та гол).

Собиқ Иттифоқнинг илк терма жамоаси учун 5 та пахтакорчи ўйнар эди: В.Федоров, Ю.Пшеничников, Г.Красницкий, М.Ан, А.Пятницкий. Турли

йилларда энг яхши 33 футболчи қаторида Ю.Пшеничников (1966, 1967), М.Ан (1974, 1978), Б.Абдураимов, В.Хадзипанагис (1974), А.Якубик (1982) ва А.Пятницкий (1991) номлари бор эди.

Ўша йилларда Ўзбекистон футбол ишқибозларида катта қизиқиш уйғотган ўйинлар сирасига 1964 йил пахтакорчиларнинг «Пирасикаба» (Бразилия) ҳамда (1:0), Уругвайнинг 25 карра чемпиони «Насғонал» (Монтевидео) жамоалари билан учрашувлари киради. Уругвайликларни «Пахтакор» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.



Футбол ўйин майдони.

Ўлчамлар.

Ўйин майдони тўғри бурчак шаклида бўлади. Ён чизиқлар дарвоза чизигига нисбатан узунроқ бўлиши керак.


Узунлиги: 120м, 90м.

Эни: 45м, 90м.

Халқаро матчларда.

Узунлиги : минимум 100м. максимум 110м.

Эни : минимум 64м. максимум 75м.



Белгилар.

Майдон учун белгилар чизиклар ёрдамида амалга оширилади.

Бу чизиклар улар чегаралаб турган майдонга киради. Уйин майдонини чегаралаб турган 2та узун чизиклар ён чизиклар 2та қисқаси дарвоза чизиклари дейилади. Хар қандай чизиклар эни 12 см дан ошмаслиги керак.

Ўйин майдони урта чизик ёрдамида 2 ярим қисмга булинади.

Ўрта чизик ўртасида майдон маркази белгиланади. Майдон марказидан 9,15м радиусда айлана ўтказилади.

Дарвоза майдони.

Дарвоза майдони ҳар иккала ярим қисмининг охирида қўйидагича бўлади. Дарвозанинг ҳар қайси устуни ички томонидаги нуқтадан 5,5 м масофада дарвоза чизигига туғри бурчак қилиб майдон ичига 2 чизик тортилади. 5,5 м масофада бу чизиклар дарвоза чизигига параллель қилиб бошқа чизик билан бирлаштирилади. Бу чизиклар ва дарвоза чизиги чегаралаб турган зона, дарвоза майдони дейилади.

Жарима майдони.

метрлик белги қуйилади. Жарима майдончаси ташқарисида 11 метрлик нуқта марказ қилиб олиниб 9,15 м. масофада айлана чизилади.

Ширина: 30 м.
 максимум 90 метров
 минимум 45 метров
 минимум 90 метров
 максимум 120 метров
 Радиус 8,15 м
 Радиус 9,15 м
 Радиус 1 м
 16,5 м
 11 м
 5,5 м
 9,15 м
 16,5 м
 7,32 м
 5,5 м


Байроқлар ўрта чизикнинг ҳар иккала томонида, ён чизикдан 1м масофадаги узоқликда ўрнатилиши мумкин.

Ҳар қайси бурчак байроғидан ўйин майдони ичига қараб 1м радиусда айлана тортилади.



Ҳар икки устун ва тусин кесишган жой бир хил бўлиши ва 12 см дан ошмаслик керак.


Дарвоза чизиғининг эни устунлар ва тусин эни билан бир хил бўлади. Дарвоза ва дарвоза орқасидаги ерга тўр ўрнатилади. Тўр ишончли ўрнатилган ва дарвозабонга халақит бермайдиган бўлиши керак. Дарвозанинг устунлари ва тусини оқ рангда бўлиши керак.



Футбол тўпининг ўлчамлари ва сифатлари.

Тўп :

- Чармдан ёки шунга ўхшаш материалдан айлана шаклда тайёрланган бўлади.
- Айланасининг узунлиги 70см дан ошмаган ва 68 см дан кам бўлмаган ҳолатда бўлади.
- Мусобақа бошланиш вақтида 450 граммдан ошмаган ва 410 граммдан кам бўлмаган бўлиши керак.
- Ҳаво босими 0,6 – 1,1 атмосфера (600-1100 грамм кв см) бўлиши керак.



Яроқсиз тўпни алмаштириш.

Агар тўп ўйин вақтида яроқсиз ҳолга келса.

- Ўйин тўхтатилади.
- Тўп яроқсиз ҳолга келган жойдан « бахсли тўп » ўйини билан ўйин янгиланади.

Агар тўп ўйинда бўлмаган вақтда ёрилса ёки йиртилса – бошланғич зарбада, дарвозадан зарбада, бурчак, жарима, эркин зарбаларда, 11м нуқтадаги зарбада ёки ташлашда.

- Ўйин қоидасига мос равишда янгиланади.

Тўп ўйин вақтида фақатгина ҳакам кўрсатмаси билан алмаштирилиши мумкин.

ЎЙИНЧИЛАР СОНИ.

Ўйинчилар.

Мусобақа ҳар қайсисида дарвозабонларни қўшган ҳолда ўйинчиларнинг сони 11тадан ошмаган икки жамоа иштирокида ўтказилади

Агар жамоаларда ўйинчилар сони 7та кам бўлса,матч бошланмаслиги мумкин.

Расмий мусобақалар.

FIFA ёки миллий федерациялар томонидан ташкил қилинадиган ҳар қандай расмий мусобақаларда 3тагача ўйинчиларни алмаштиришга рухсат берилади. Мусобақа низомида буюртмага киритиладиган захирадаги ўйинчилар сони 3дан 7гача узаро келишилган бўлиши керак,бундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бошқа(ўртоқлик учрашувлари,турнирлар, чемпионатлар)да.

Бошқа мусобақаларда захира алмаштирилиши мумкин ,шу шарт биланки,

*Жамоалар алмашинадиган ўйинчиларнинг максимал сонини ўйин олдида келишиб оладилар


*Хакам бу ҳақда ўйин бошланишидан олдин хабардор қилиниши керак.

Агар хакам хабардор қилинмаган бўлса ёки (келишув) ўйин бошлангунга қадар бир битимга келинмаган бўлса 3тагача захира алмаштиришга рухсат берилади.

Ҳамма ўйинларда

Ҳар қандай мусобақа бошланишидан олдин хакамга захирадаги ўйинчилар фамилияси тақдим этилиши керак .Шу усулда фамилияси кўрсатилмаган ўйинчилар матчда қатнаша олмайдилар.

ЎЙИН ҚОИДАЛАРИ.



ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯЛАРИ ХАЛҚАРО КЕНГАШИ НИЗОМИ

1-Қоида: Учрашув ўтказиладиган майдон

2-Қоида: Тўп

3-Қоида: Ўйинчилар сони

4-Қоида: Ўйинчилар кийими (экипировка)

5-Қоида: Бош ҳакам

6-Қоида: Бош ҳакам ёрдамчилари

7-Қоида: Учрашувнинг давом этиши

8-Қоида: Учрашув бошланиши ва ўйинни давом эттириш

9-Қоида: Тўп ўйинда ва ўйиндан ташқари ҳолатларда

10-Қоида: Тўп дарвоза тўридалигини аниқлаш усуллари

11-Қоида: «Ўйиндан ташқари» ҳолат

12-Қоида: Қоида бузилиш ҳолатлари ва қоидага зид хатти-ҳаракатлар

13-Қоида: Жарима тўпи ва эркин зарба*

14-Қоида: 11-метрлик жарима тўпи

15-Қоида: Тўпни ён чизикдан ўйинга киритиш

16-Қоида: Тўпни дарвоза ёнидан эркин зарба билан ўйинга киритиш

17-Қоида: Бурчак тўплари

18-Қоида: 11-метрлик нуқтадан зарбалар

19-Қоида: Техник майдонча ва тўртинчи ҳакам

20-Қоида: Ҳакам ишоралари

21-Қоида: Ўйқотилган вақт компенсацияси

ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯЛАРИ ХАЛҚАРО КЕНГАШИ
Президент: Йозеф С. Блаттер(Joseph S. Blatter), Швейцария

Бош котиб: Жероме Уолк (Jérôme Valcke), Франция
Адрес: FIFA House,
FIFA-Strasse 20, Switzerland
Telephone +41 (0) 43-222 7878
Telefax +41 (0) 43-222 7777
ФИФАнинг расмий вебсайти www.fifa.com

ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯЛАРИ ХАЛҚАРО КЕНГАШИ

Советгаъзолари:

Англия Футбол Ассоциацияси, Уэлс Футбол Ассоциацияси, Шотландия Футбол Ассоциацияси, Шимолий Ирландия Футбол Ассоциацияси, (ҳар бири 1 овозга)

ФИФА (4 овоз)

ФУТБОЛ ҚОИДАЛАРИГА ЭСЛАТМАЛАР

Ўсмирлар жамоаси (16 ёшгача бўлган ўйинчилар), аёллар жамоаси ва фахрийлар жамоалари (35 ёшдан катта бўлган ўйинчилар) иштирокидаги ўйинларда футбол қоидаларига қуйида келтирилган ўзгартиришлар киритилиши мумкин:

футбол майдони ҳажмига;
тўп оғирлиги ва материалига;
дарвоза баландлиги ва кенглигига;
ўйин вақтига;
ўйинчи алмаштириш сонига.

Қолган ўзгартиришлар фақатгина Халқаро Кенгаш розилиги билан амалга оширилади.

Эркаклар ва аёллар

Футбол қоидалари матнида келтирилган тушунтиришлар ва аниқлаштиришлар ҳакамлар борасидаги шунингдек ўйинчилар ва жамоа раҳбарлар борасида масалалар эркакларга тегишли бўлаганидек шу ўринда аёлларга ҳам тегишлидир.

8-қоидада рўйхати келтириб ўтилган «Махсус вазиятлар»га кирадиган воқеалар бундан мустаснолиги.

1-ҚОИДА: УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЙДОН

Ўйин ўтказиладиган майдон тўртбурчак ҳолатда бўлиши зарур.

Майдоннинг ён томони (яъни бўйи) дарвоза ортидан (яъни энидан) катта бўлиши керак.

Бўйига: минимум 90 м, максимум 120 м

Энига: минимум 45 м, максимум 90 м

Халқаро ўйинлар учун:

Бўйига: минимум 100 м, максимум 110 м

Энига: минимум 64 м, максимум 75 м

Майдондаги чизиқлар

Ўйин ўтказиладиган майдон чизиқлар билан белгиланади ва ушбу чизиқлар ҳам майдон таркибига киради. Иккита узун майдонни ажратувчи чизиқлар – ён чизиқлар, иккита кичкина чизиқлар эса – дарвоза чизиғи деб аталади. Майдон марказидаги чизиқ ўйин ўтказиладиган майдонни тенг иккига ажратиб туради. Ушбу марказдаги чизиқнинг ўртасида марказий белги мавжуд. Ушбу марказий белгидан радиуси 9,15 м бўлган айлана чизилади.

Дарвоза майдони

Майдоннинг ҳар икки томонида дарвоза майдони мавжуд бўлиб, у қуйидагича жойлашган:

Дарвоза чизиғидан 5,5 метр масофада дарвозани ҳар бир устунининг ички томонидан параллел чизиқ тортилади. Бу чизиқнинг узунлиги ҳам 5,5 метр бўлади. Бу узунликдаги чизиқнинг охири перпендекуляр тарзда дарвоза чизиғи билан туташади. Шу шаклдаги тўртбурчак дарвоза майдони деб аталади.

Жарима майдони

Майдоннинг ҳар икки томонида жарима майдони мавжуд бўлиб, у қуйидагича жойлашган:

Дарвоза чизиғидан 16,5 метр масофада дарвозани ҳар бир устунининг ички томонидан параллел чизиқ тортилади. Бу кесманинг узунлиги ҳам 16,5 метр бўлади. Бу узунликдаги чизиқнинг охири перпендекуляр тарзда дарвоза чизиғи билан туташади. Шу шаклдаги тўртбурчак жарима майдони деб аталади.

Ҳар иккала майдонлар ўртасида дарвоза чизиғидан 11 метр масофада ҳамда дарвоза устунларидан тенг масофада 11-метрлик белги қўйилади. Ҳар бир жарима майдони чизиғи ташқарисидан радиуси 9,15 метр бўлган ярим айлана чизилади ва унинг маркази 11-метрлик нуқта вазифасини ўтайди.


Майдон бурчагидаги байроқлар

Ўйин ўтказиладиган майдоннинг ҳар бир бурчагига узунлиги 1,5 метрдан ошмаган устунлар ўрнатилади. Бу устуннинг тепа учи ўткир бўлмаслиги ва устунга қалин матоли байроқ илинган бўлиши шарт. Ушбу байроқлар яна майдон марказини ажратиб турувчи чизиқнинг охириларига, майдондан ташқарига ва ён чизиқдан 1 метр узоқликкача ўрнатилиши ҳам мумкин.

Бурчак сектори

Ҳар бир майдон бурчагидаги байроқ асосида ойсимон чизиқ ўтказилади, ушбу чизиқ бурчакдаги байроқдан 1 метр радиусдаги ўлчамда чизилади.

Дарвоза



Ҳар икки дарвоза чизиғининг ўртасига дарвоза ўрнатилади. Дарвоза икки вертикал устундан иборат бўлиб, майдон бурчагидаги байроқлардан тенг масофада жойлашган. Ушбу икки устунни битта горизонтал жойлашган тўсин бирлаштириб туради.

Дарвоза устунларининг ораси 7,32 метр, дарвоза тўсини ердан 2,44 метр масофада жойлашган бўлиши керак.

Иккала устун ва тўсин ҳам бир хил кенгликда (12 см гача) бўлиши зарур. Дарвоза ичида чизик ҳам устунлар ва тўсиннинг кенглигида чизилган бўлиши зарур. Дарвозага ва дарвоза ичига дарвозабонларга халақит қилмайдиган қилиб дарвоза тўрларини ўрнатиш керак.

Дарвоза устунлари ва тўсин оқ рангда бўлиши зарур.

Хавфсизлик

Дарвозалар ерга маҳкам ўрнатилган бўлиши керак, кўчма дарвозалар эса юқоридаги талабларга жавоб берсагина фойдаланиш мумкин.

2-ҚОИДА: Тўп

Тўп учун хом-ашё ва техник маълумотлар:

Тўп:

Думалоқ шаклда бўлиши;

Тери ёки шунга ўхшаш хом-ашёдан тайёрланган бўлиши;

Ҳажми 70 см кубдан кўп ёки 68 см кубдан кам бўлмаслиги;

Учрашув бошланиш арафасида 410гр-450 гр гача бўлиши;

Тўп ичидаги босим меъёри 0,6-1,1 атм(600-1100 г/см) га тенг бўлиши керак.

Яроқсиз ҳолатга келган тўпни алмаштириш

Агар тўп ўйин пайтида ўз ҳолатини йўқотса, унда:

Учрашувни тўхтатиш зарур,

Тўп алмаштирилгандан сўнг ўйин тўхтаган нуқтадан «бахсли тўп» орқали давом эттириш зарур.

Агар тўп ўз ҳолатини: майдон ташқарисига чиқиб кетганда, жарима тўпи белгиланганда, бурчак тўпи тегилаётганда, 11-метрли жарима тўпи тегилаётганда, ён чизикдан ўйинга киритилаётган пайтда йўқотса, унда:

Тўп алмаштирилгандан сўнг ўйин тўп киритилиши билан давом

эйтирилиши кўзда тутилади.

Ўйин пайтида ҳакамнинг рухсатисиз тўпни алмаштириш мумкин эмас.

3-ҚОИДА: ЎЙИНЧИЛАР СОНИ

Ўйинчилар:

Ўйинда икки жамоа ҳар бирида 11 тадан ошиқ бўлмаган ўйинчи қатнашади. 11 ўйинчидан биттаси дарвозабон бўлиши керак. Агар жамоаларда 7 тадан кам ўйинчи бўлса, унда учрашувни бошлаш мумкин эмас.

Расмий учрашувлар:

ФИФА, қитъа конфедерациялари ёки миллий ассоциациялар томонидан ўтказиладиган учрашувларда учтагача ўйинчи алмаштиришга рухсат этилади. Агар мусобақа регламентида кўпроқ ўйинчи алмаштириш мумкин бўлса, унда еттитагача ўйинчи алмаштириш мумкин.

Бошқа учрашувлар:

Бошқа учрашувларда қуйидаги шартларга асосан 5 тагача ўйинчи алмаштириш мумкин:

Икки учрашадиган жамоа максимал даражада ўйинчи алмаштиришга келишганда,

Бош ҳакам ушбу келишув ҳақида учрашув бошлангунига қадар огоҳ этилсагина.

Агар учрашув ҳаками келишув ҳақида ўйин бошлангунига қадар огоҳлантирилмаса ёки икки жамоа максимал даражада ўйинчи алмаштиришга келиша олмаса, учрашувда 3 тагача ўйинчи алмаштириш мумкин.

Барча учрашувлар учун:

Барча учрашувларда ўйин бошлангунига қадар захира ўйинчилари исм – шарифлари учрашув баённомасидаги рўйхатга киритилган бўлиши лозим. Учрашув баённомасидага рўйхатга киритлмаган футболчи ўйинда қатнаша олмайди.

Ўйинчи алмаштириш ҳолати

Ўйинчи алмаштириш учун қуйидагиларни бажариш зарур:

Бош ҳакамни ўйинчи алмаштирилиши тўғрисида огоҳлантириш зарур,

Захирадаги ўйинчи майдонга бош ҳакам рухсати ва алмашаётган ўйинчи майдонни тарк этгандагина тушиши мумкин,

Захирадаги ўйинчи майдонга тушгандан сўнг алмаштириш ҳақиқий деб ҳисобланади,

Шу вақтдан бошлаб захира ўйинчиси асосий таркиб ўйинчиси ҳисобланади, алмаштирилган ўйинчи эса асосий таркиб ўйинчиси ҳисобланмайди,

Алмаштирилган ўйинчи ушбу ўйинда бошқа катнаша олмайди,

Ҳакам захирадаги барча ўйинчиларга(майдонга тушган тушмаганлигининг аҳамияти йўқ) бир вақтнинг ўзида огоҳлантириш

кўрсатиши ҳуқуқига эга.

Дарвозабонни алмаштириш

Майдондаги ҳар қайси ўйинчи дарвозабон билан вазифаларини алмашиши мумкин, қачонки:

Учрашув бош ҳаками олдиндан огоҳлантирилган бўлса,

Дарвозабонни алмаштириш фақат ўйин тўхтатилганда юз бериши мумкин.

Қоида бузарликлар/жарималар

Захирадаги ўйинчи ҳакамнинг рухсатисиз майдонга тушса, унда:

Ўйинни тухтатиш зарур,

Бош ҳакам қоидабузарни сариқ карточка билан огоҳлантириб, ўйинчидан майдонни тарк этишни талаб қилади.

Ўйин тўхтатилган жойдан «бахсли тўп» орқали давом эттирилиши зарур.

Агар майдондаги ўйинчи бош ҳакамни огоҳлантирмасдан дарвозабон билан алмашса, унда:

Учрашувни тухтатиш зарур эмас,

Тўп майдонни тарк этгандан сўнг қоидани бузган ўйинчини сариқ карточка билан огоҳлантириш керак.

Бошқа барча 3 – қоида бузилган ҳолларда:

Қоидани бузган ўйинчи сариқ карточка билан огоҳлантирилиши зарур.

Ўйинни давом эттириш

Агар ўйинни бош ҳакам фақат асосий таркиб ўйинчисини огоҳлантириш учун тўхтанган бўлса, унда:

Ўйин рақиб жамоа томонидан эркин тўп тепиш орқали учрашув тўхтатилган жойдан давом эттирилади.

Асосий таркибдаги ва захирадаги ўйинчиларни майдондан четлатиш

Ўйин бошланишига қадар четлатилган ўйинчи ўрнига учрашув баённомасида қайд этилган захира ўйинчиси майдонга тушиши мумкин.

Учрашув баённомасига киритилган захира ўйинчиси учрашув бошида ёки охирида майдондан четлатилса, унинг ўрнига баённомага бошқа захира ўйинчисини киритиш мумкин эмас.

ҲАЛҚАРО КЕНГАШ ҚАРОРИ

Қарор 1.

Агар ҲҚнинг низомига асосан «7тадан кам ўйинчи бўлса, унда учрашувни бошлаш мумкин эмас» деган қоидага амал қилинса ва 3 – қоиданинг қолган барча шартларига амал қилинган ҳолда ўйиндаги жамоалар футболчиларининг минимал сонини миллий ассоциациялар аниқлаш ҳуқуқига эга.

Қарор 2.

Ўйин давомида мураббий ёки расмий шахслар техник майдон чегарасидан чиқмаган ҳолда майдондаги футболчиларга тактик кўрсатмалар бериши мумкин.

4-ҚОИДА: ЎЙИНЧИЛАР КИЙИМИ (ЭКИПИРОВКА)

Хавфсизлик.

Ўйинчи кийимида ўзига ёки бировга хавф соладиган предметларни олиши ёки тақиши қатъиян ман этилади (буларга ҳар хил ювелир буюмлар ҳам киради).

Ўйинчининг асосий кийими:

Футболка ёки куйлак

Шорт (агар шортнинг ичида ички кийим бўлса, бу ҳам шортнинг рангида бўлиши зарур)

Гетралар

Ҳимоя воситалари (щитки)

Оёқ кийим

Ҳимоя воситалари (щитки)

Ҳимоя воситаси гетра билан тўлиқ беркитилган бўлиши,

Резина, пластмасса ёки шунга ўхшаш хом-ашёдан тайёрланган бўлиши,

Юқори даражадаги ҳимояни таъминлаши керак.

Дарвозабон кийими

Дарвозабон кийими ранги майдондаги ўйинчилардан, бош ҳакам ва бош ҳакам ёрдамчилари кийими рангидан ажралиб туриши керак.

Қоида бузарликлар/жарималар

Ҳар қандай 4 – қоида бузилганда:

Ўйинни тўхтатиш шарт эмас,

Бош ҳакам қоидани бузган ўйинчига кийими ҳақида эътироз билдириши,

Агар қоидабузар ўз кийимини тўғирлаб олмаган бўлса, тўп майдонни тарк этганда у ўз кийимини тўғирлаш учун майдонни тарк этиши зарур,

Кийимини тўғирлаб олиш учун майдонни тарк этган ўйинчи фақат бош ҳакам рухсат бергандан сўнггина майдонга тушиши мумкин,

Майдонга қайтишдан олдин ҳакам ўйинчининг кийимини кўздан кечириши лозим,

Тўп майдондан чиқиб кетган вақтда кийимини тўғирлаб олиш учун майдонни тарк этган ўйинчига майдонга тушишга рухсат берилади.

Агар 4 – қоидалар асосида майдондан четлатилган футболчи бош ҳакамнинг рухсатисиз майдонга қайтса, унда қоидабузар сариқ карточка билан огоҳлантирилиши керак.

Ўйинни давом эттириш

Агар ўйинни бош ҳакам қоидабузарни огоҳлантириш учун тўхтатган бўлса, унда:

Ўйин рақиб жамоа томонидан эркин тўп тепиш орқали учрашув тўхтатилган жойдан давом эттирилади.

5-ҚОИДА: БОШ ҲАКАМ

Хар бир ўйинни футбол қонун қоидалари асосида бошқариш учун ҳакамлар тайинланади.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ҳакам:

Учрашувда қонун-қоидаларни назорат қилиш;

Учрашувни ён ҳакамлар ва 4 – ҳакам билан биргаликда назорат қилиш;

2 – қоида талабларига асосан тўпни назорат қилиш;

4 – қоида талабларига асосан ўйинчиларнинг кийимларини назорат қилиш;

Учрашувни қайд этиб бориш;

Ҳар қандай қоида бузилишларда учрашувни тўхтатиш, узиб қўйиш ёки бутунлай тўхтатиш ўйиндаги бош ҳакам қарашига боғлиқ;

Бош ҳакам учрашувни ҳар қандай ташқи муҳитнинг аралашувида тўхтатиши ёки бутунлай тугатиши мумкин;

Бош ҳакам фикрига кўра майдондаги ўйинчи қаттиқ жароҳат олганда ёки ўйинчиларни майдондан эвакуация қилиш зарур бўлганда учрашувни вақтинчалик ёки бутунлай тўхтатиши мумкин;

Бош ҳакам фикрига кўра ўйинчи енгил жароҳат олганда тўп майдондан чиқиб кетмагунча учрашув давом эттирилади;

Ҳар қандай ўйинчининг жароҳатидан қон чиқса, ушбу ўйинчини майдон ташқарисига чиқишини таъминлаш ҳамда ушбу ўйинчи майдонга қайтаётганда қон оқиши тўхтаганига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина унга рухсат бериши;

Ўйин қоидасини бузган жамоа дарвозаси томон ҳужум бўлаётган бўлса ўйинни тўхташиш зарур эмас, ҳужум тугагандан сўнг ёки тўп майдондан ташқарига чиққанда қоидабузарни огоҳлантириш зарур;

Қоидабузар ёки огоҳлантирилган ўйинчи яна бир бор қоидани бузса, ўйинчи шу захоти қаттиқ огоҳлантирилиш билан жазоланиши керак;

Агар учрашувда қоида бузилса, ҳакам тўп майдонни тарк этгандан сўнг қоидабузарни албатта огоҳлантириши зарур;

Жамоалардаги ўзини тута олмаётган расмий вакилларга нисбатан майдондан, захира ўриндигидан четлатиши ёки уларга жазо қўллаши мумкин;

Бош ҳакам йўл қўйилган қоидабузарликни кўрмай қолган вазиятларда унинг ёрдамчиси етказган маълумотлар асосида жазо қўллаши мумкин;

Майдонга футболчилардан бошқаларни туширмасликни назорат қилиш;

Ўйин тўхтатилганда давом эттириш;

Ўйин баённомаси(баённомага учрашув атрофида, учрашув бошланишига қадар, учрашув давомида, учрашувдан сўнг бўлиб ўтган барча воқеаларни ёзма равишда)ни тўлдириш ва учрашув ташкилотчиларига тақдим этиш зарур.

Ҳакам қарори

Ҳар қандай ўйин ҳолатида фақат бош ҳакам якуний қарор чиқара олади.

Агар ҳакам ёрдамчилари билан маслахатлашиб нотўғри қарор қабул

қилганини тан олса, унда фақат ўйин тўхтатилган вазиятда ўз қарорини ўзгартириши мумкин.

ҲАЛҚАРО КЕНГАШ ҚАРОРИ

Қарор 1

Ҳакам(шу билан бирга, вазиятга қараб ҳакам ёрдамчилари ёки тўртинчи ҳакам) қуйидаги ҳолатларда жавобгарликдан соқит қилинади:

Жамоа футболчилари, расмий вакиллар ёки мухлислар томонидан олинган ҳар қарндай жароҳатлардан;

Ҳар кимнинг мулкига зарар етишидан;

Ҳакам томонидан ўйин доирасида қабул қилинган ҳар қандай қарор натижасида хусусий шахслар, клуб, компания, ассоциация ёки бошқа ташкилотларда юзага келган бошқа йўқотишлардаги жавобгарликлардан.

Ҳакам қуйидаги ҳолатларда жавобгар:

Майдон ва унга қўшимча асбоб – ускуналар борасидаги ҳакам қарори, об – ҳаво шароити ўйин ўтказишга тўсқинлик қилиш – қилмаслиги;

Об – ҳаво шароитидан келиб чиқиб ўйинни бекор қилишда;

Майдонга қўшимча асбоб – ускуналарнинг яроқсизлиги борасидаги ҳакам қарори, жумладан, дарвоза устунлари ва тўсинлари, бурчак байроқлари шунингдек, тўплар талабга жавоб бермаса;

Мухлисларнинг майдонга тушиб кетганда ёки мухлислар билан боғлиқ вазиятлардаги ўйинни тўхтатиш ёки тухтатмаслик борасидаги ҳакам қарори;

Футболчи жароҳат олган вақтда тиббий ёрдам кўрсатиш учун ўйинни тўхтатиш ёки тухтатмаслик борасидаги ҳакам қарори;

Футболчи жароҳат олган вақтда тиббий ёрдам кўрсатиш учун уни майдондан ташқарига олиб чиқиш ёки чиқмаслиги борасидаги ҳакам қарори;

Футболчининг ўзида ёки либосида баъзи предметларни осишга рухсат бериш ёки рухсат бермаслик борасидаги ҳакам қарори;

Баъзи шахсларни, жумладан, жамоа раҳбарларини, майдон ишчиларини, кўриқлаш хизмати ходимларини, фотомухбирларни ёки бошқа Оммавий ахборот воситалари вакилларини майдоннинг яқинига йўлатиш ёки йўлатмаслик борасидаги ҳакам қарори;

Қолган барча қарорларда, яъни футбол қоидаларига ёки ўзининг вазифаси доираси асосида, ФИФА низомларига, қитъа конфедерация, миллий ассоциациялар ва проффесионал лига регламентларига асосан қабул қилинган қарорларда ҳакам жавобгардир.

Қарор 2

Агар Мусобақа ёки турнирнинг ҳар бир ўйинига тўртинчи ҳакам тайинланса, унда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ҳалқаро кенгаш томонидан тасдиқланган инструкцияга мос келиши лозим.

Қарор 3

Ўйин билан боғлиқ бўлган фактлар, яъни тўп дарвозага киритилганми

ёки йўқми ва ўйин натижаси.

6-ҚОИДА: БОШ ҲАКАМ ЁРДАМЧИЛАРИ

Мажбуриятлар

Ҳар бир учрашувга бош ҳакамга иккита ёрдамчи тайинланади ва улар бош ҳакамга қуйидаги (бош ҳакам билан келишган ҳолда) ҳолларда ўз байроқчасини кўтарган ҳолда сигнал беради:

Тўп майдонни тўлиқ тарк этганда;

Тўпни қайси жамоа ўйинга киритиши, бурчакдан тўп тепиши, ён чизикдан тўпни ўйинга киритиши;

Жамоа ўйинчиси ўйиндан ташқари ҳолатда бўлганда;

Ўйинчи алмаштириш зарур бўлганда;

Бош ҳакам кўрмаган вақтда ўйин қоидаси бузилган вазиятларда ёрдам беради.

Ёрдамчиларнинг бош ҳакамга ёрдамлари

Учрашувни ўйин қоидалари асосида ўтиши учун ёрдамчилар бош ҳакамга ёрдам бериши зарур.

Агар ҳакам унинг ишига арилишиши ёки ўзини ноъмақул тутса, ёрдамчи ҳакамликдан бош тортиши мумкин ва махсус рапортни учрашув ташкилотчиларига тақдим этиши шарт.



7-ҚОИДА: УЧРАШУВНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ

Агар бахslashаётган жамоалар ўйиннинг давомийлик вақтини келишиб олмаган бўлсалар, ҳар бир ўйин 45 дақиқадан икки бўлим давом этиши зарур. Ўйин бўлимлари вақтини (масалан, 40 дақиқадан, қоронғу тушиб қолган вазиятларда) ўзгартиришга келишиб олиш, ўйин бошлангунча амалга оширилиши керак. Бундай келишувлар фақат мусобақа регламентида бегиланган ҳолатлардагина юз бериши мумкин.

Бўлимлар орасидаги танаффус

Ўйинчилар бўлимлар орасида танаффусга чиқиш ҳуқуқига эга.

Бўлимлар орасидаги танаффус 15 минутдан кўп бўлмаслиги зарур.

Бўлимлар орасидаги танаффус мусобақа регламентида белгиланган бўлиши зарур.

Бўлимлар орасидаги танаффус вақтини фақатгина ҳакам билан келишган ҳолда ўзгартириш мумкин.

Йўқотилган вақтлар учун қўшимча вақт

Ҳар бир бўлимга қуйидаги ҳолларда йўқотилган вақтларга қўшимча вақт қўшиш мумкин:

Ўйинчилар алмаштирилганда;

Ўйинчи жиддий жароҳат олгандаги вақт учун;

Жароҳат олган ўйинчини майдон ташқарисига тиббий ёрдам кўрсатиш учун олиб чиққан вақт учун;

Ўйин вақтини атайлаб чўзганда;

Ва бошқа сабаблар учун.

Йукотилган вақтга қўшимча вақтни фақат бош ҳакам қўшиши мумкин.

11-метрли жарима тўпи

Бўлимнинг сўнгги дақиқаларида ёки қўшимча вақтнинг охирида белгиланган 11 метрли жарима тўпини бажариш учун вақт берилиши шарт.

Қўшимча бўлимлар

Мусобақа регламентига кўра керакли вазиятларда қўшимча яна 2 та бўлим ўтказилиши мумкин. Ушбу бўлимларда 8-Қоидага риоя қилган ҳолда ўтказиш кўзда тутилган.

Тўхтатилган учрашув

Тўхталиган учрашув қайтатдан тўлиқ ўтказилади, агар мусобақа регламентида бошқача қарор қабул қилинмаган бўлса.

8-ҚОИДА: УЧРАШУВ БОШЛАНИШИ ВА ЎЙИННИ ДАВОМ ЭТТИРИШ

Учрашув бошланиш арафасида

Ҳар бир учрашув бошланиш арафасида икки жамоа сардорлари орасида танга орқали қуръа ташаланади ва қуръада ғолиб чиққан сардор жамоа учун (биринчи бўлимда) дарвоза танлаш ҳуқуқини қўлга киритади.

Рақиб жамоа эса ўйинни бошлаб беради.

Қуръада ғолиб чиққан жамоа эса иккинчи бўлимни бошлаб беради.

Иккинчи бўлимда жамоалар ўз дарвозаларини алмаштиришадилар.

Бошланғич зарба

Бошланғич зарба учрашув бошланганлик ёки уни давом эттиришни англатиб, у қуйидаги ҳолларда юз беради:

Учрашув бошланишида,

Ҳар бир урилган голдан сўнг,

Иккинчи бўлим бошланишида,

Агар қўшимча бўлимлар белгиланган бўлса, ушбу қўшимча бўлимларнинг бошланишида.

Бошланғич зарба орқали бевосита тўпни дарвозага киритиш мумкин.

Бошланғич зарбани амалга ошириш тартиби:

иккала жамоа ҳам ўзларининг ярим майдонида туришлари шарт,
бошланғич зарбани амалга оширмаётган жамоа ўйинчилари бошланғич зарба амалга ошмагунча тўпдан 9,15м радиус масофада узоқликда туришлари шарт,

тўп майдон марказида ҳаракатсиз ҳолда туриши керак,
бошланғич зарба ҳакамнинг хуштагидан сўнг ўйинга киритилади,
оёқ билан тўпга зарба берилгандан сўнг тўп жойидан сурилса, тўп ўйинга киритилган деб ҳисобланади,

бошланғич зарбани берган ўйинчи тўпга бошқа жамоадоши келиб тегмагунча яна зарба бериши мумкин эмас.

Тўп дарвозага киритилгандан сўнг, тўп ўтказиб юборган жамоа бошланғич зарбани амалга оширади.

Қоида бузарликлар/жарималар

Агар бошланғич зарбани берган ўйинчи тўпга бошқа жамоадоши келиб теккунга қадар яна зарба берса, унда:

Ўйин рақиб жамоа томонидан эркин тўп тегиш орқали қоида (иккинчи зарба берилган) бузилган жойдан давом эттирилади.

Бундан бошқа барча вазиятларда, бошланғич зарба қайта тегилади:

Бошланғич зарба қайтарилади.

«Бахсли тўп»

«Ўйин қоидалари»да кўрсатилмаган ҳоллар қоида бузилса ва учрашув вақтинчалик тўхтатилса, учрашувни «бахсли тўп» орқали давом эттириш керак.

«Бахсли тўп» қуйидагича амалга оширилади:

Бош ҳакам тўп ташаб берган ҳолда учрашув тўхтатилган жойдан «бахсли тўп»ни амалга оширади

Тўп ерга тегиши билан ўйин қайта бошланди деб ҳисобланади.



Қоида бузарликлар/жарималар

Тўп қуйидаги ҳолларда қайта ташланади:

Агар бирор жамоа ўйинчиси тўп ерга тушмасдан тўпга тегинса,

Тўп ерга тушгандан сўнг, ҳеч кимга тегмай майдон ташқарисига чиқиб кетса.

Энг муҳим жихатлар қуйидагича:

Эркин ёки жарима тўпи ҳимояланаётган жамоа фойдасига ўзининг жарима майдони ичида юз берса, ўйинни жарима майдонининг хохлаган нуқтасидан давом эттириш мумкин.

Агар эркин тўп хужум қилаётган жамоанинг фойдасига рақиб дарвозаси майдони ичида рўй берса, ўйинни қоида бузилган жойга энг яқин дарвоза майдони чизиғидан ўйинга киритиш зарур.

Агар «бахсли тўп» химояланаётган жамоанинг дарвоза майдони ичида тасодифий сабаб туфайли бузилса, ўйинни қоида бузилган жойга энг яқин дарвоза майдони чизиғидан тўп қайтатдан ташланади.

9-ҚОИДА: ТЎП ЎЙИНДА ВА ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАРДА

Тўпнинг ўйиндан ташқари ҳолатда бўлиши

Тўп қуйидаги ҳолатларда ўйин ҳолатида бўлади:

Тўп майдон чизиғини ерда ёки ҳавода тўлиқ кесиб ўтса;


Бош ҳакам хуштагини чалиб ўйинни тўхтанганда.

Тўпнинг ўйинда бўлиши

Юқоридаги ҳолатлардан ташқари барча вазиятларда тўп ўйиндан ташқари ҳолатда бўлади:

Дарвоза устунни, тўсини ёки майдон бурчагидаги байроққа тегиб майдонга қайтса тўп ўйинда ҳисобланади;

Бош ҳакамга ёки унинг ёрдамчиларига тегиб майдонда қолса.



10-ҚОИДА: ТЎП ДАРВОЗА ТЎРИДАЛИГИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Тўп дарвоза тўрида

Тўп дарвоза чизиғини, тўсин ости ва устунлар орасини тўлиқ кесиб ўтса ва тўп киритган жамоа ўйинчилари тўп киритилгунга қадар ҳеч қандай қоида бузмаган ҳолларда тўп дарвоза тўрида деб ҳисобланади.


Ғолиб жамоа

Учрашув давомида кўпроқ тўп киритган жамоа ғолиб жамоа деб

топилади. Агар иккала жамоа ҳам ўйин давомида бир хил тўп киритса ёки умуман тўп кирита олмаса ўйин дуранг деб ҳисобланади.

Мусобақа регламенти

Кейинги босқичга битта жамоа йўл олиши керак бўлса-ю, лекин учрашув дуранг билан якунланса, унда Ҳалқаро кенгаш томонидан тасдиқланган мусобақа регламентига кўра қўшимча бўлимлар ёки бошқа чоралар кўрилиши керак.



11-ҚОИДА: «ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ» ҲОЛАТ

«Ўйиндан ташқари» ҳолатни аниқлаш

Ўйинчининг «ўйиндан ташқари» ҳолатда қолиши ўйин қоидаларини бузилишидир.

Ўйинчи «ўйиндан ташқари» ҳолатда деб топилади, агар:

Ўйинчи рақиб дарвоза чизиғига рақибнинг сўнгги ўйинчисидан яқинроқ ҳолатда турса, унда ушбу ўйинчи ўйиндан ташқари ҳолатда деб ҳисобланади.

Ўйинчи «ўйиндан ташқари» ҳолатга тушмайди, агар:

Ўз жамоасининг яриммайдонида бўлса,

Рақиб жамоасининг сўнгги ўйинчиси билан бир хил даражада бўлса,

Рақиб жамоасининг сўнгги ва сўнггисидан битта олдин турган ўйинчиси билан бир хил даражада бўлса.

Қоидабузарлик

«Ўйиндан ташқари» ҳолатда қолган футболчини ҳакамнинг фикрига кўра жамодошларидан биронта шериги тўпга тегиниш вақтида ўйинга актив тарзда ҳалақит қилса, жазолаш мумкин, яъни:

тўп билан ҳаракат қилишда бевосита иштирок этса,
рақиб ҳаракатларига ҳалақит қилса,

ўзининг эгаллаб турган позициясидан яхшироқ вазиятга чиқишга уринса.



Қоидабузарлик йўк

«ўйиндан ташқари» ҳолатда қолган ўйинчини жазолаш кузатилмайди, агар у бевосита тўпни қуйидаги ҳолатларда қабул қилиб олса:

Дарвозадан эркин тўп тепилгандан сўнг,

Ён чизиқдан ташаб берилганда,

Бурчак тўпи тепилганда.

Қоидабузарлик/жарималар

Ҳар бир «ўйиндан ташқари» ҳолат билан боғлиқ қоидабузарликда ҳакам қоида бузилган нуқтадан рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгилаши керак.

ШУНИНГДЕК:

11-қоидани диаграммалар қуринишидаги таҳлили билан танишишингиз мумкин ([1 – қисм](#) ва [2 – қисм](#)).

12-ҚОИДА: ҚОИДА БУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ ВА ҚОИДАГА ЗИД ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР

Ўйинчилар томонидан қўлланган қоидага зид ва тартибсиз ҳаракатлар қуйидагича жазоланади:

Жарима тўпи

Учрашув ҳакамининг фикрига кўра, ўйинчи рақибига нисбатан қўпол ва хавфли тарзда ўйнаб, қуйидаги 6 ҳолатлардан бирини қўллаган вазиятларда рақиб жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади:

рақиб ўйинчига оёғи билан зарба бериш ёки бунга ҳаракат қилса;

рақиб ўйинчини чалиб йиқитса ёки бунга ҳаракат қилса;

рақиб ўйинчи устига сакраб чиқиб олса;

рақиб ўйинчига нисбатан хавфли ҳужум уюштиради;

рақиб ўйинчига қўли билан зарба берса ёки бунга ҳаракат қилса;

рақиб ўйинчини қўпол тарзда туртиб мувозанатдан чиқариб юборса.

Шунингдек, ўйинчи қуйидаги 4 қоидабузарлик ҳолатидан бирига йўл қўйган ҳолатларда рақиб жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади:

тўп учун кўраша туриб, олдин рақиб ўйинчиси оёғига тегиб, кейин тўпга ўйнаса;

рақиб ўйинчини қўллари ёки танаси билан ушлаб қолса;

рақиб ўйинчига қарата тупурса ёки бунга ҳаракат қилса;

тўпни атайин қўли билан ўйнаса(дарвазавонлар ўз жарима майдончаси ичида қўллари билан ўйнашлари мумкин).

Жарима тўпи майдоннинг ўйин қоидаси бузилган жойидан амалга оширилади.

11-метрли жарима тўпи

Агар ўйинчи, тўп қаерда эканлигидан қатъий назар (фақат ўйин ҳолатида бўлиши керак) ўз жарима майдончаси ичида юқорида кўрсатиб ўтилган қоида бузилишларнинг исталган бирига йўл қўйса, рақиб жамоа

фойдасига 11-метрлик жарима тўпи белгиланади.

Эркин зарба

Агар дарвозабон ўз жарима майдончаси ичида турган ҳолда қуйидаги 4 қоида бузилиши ҳолларининг бирига йўл қўйса, рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади:

тўпни қўлидан чиқариб, ҳали тўпга ҳеч ким тегинмасдан туриб яна тўпни қўлига олса;

ўз жамоадоши томонидан атайин етказиб берилган тўпни қўллари билан тегса ёки эгаллаб олса;

ўз жамоадоши томонидан бевосита ён чизикдан етказиб берилган тўпни қўллари билан тегса ёки эгаллаб олса;

ўйинни чўзишга қаратилган тактик хатти-ҳаракатларни амалга оширса.

Шуниндек, учрашув ҳакамининг фикрига кўра, ўйинчи қуйидаги қоида бузилиши ҳолатларининг содир бўлишида айбдор деб топилса, рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади:

рақиб ўйинчисига нисбатан хавфли ўйнаса;

рақиб ўйинчисининг ҳаракатланишига ҳалақит қилса;

рақиб жамоа дарвозабонининг тўпни қўли билан ўйинга киритишига ҳалақит қилса;

12-қоидада кўрсатиб ўтилмаган бошқа қоида бузилиш ҳолатлари қайд этилганда, учрашув ҳаками ўйинчини огохлантириш(сарик карточка) ёки ўйиндан четлаштириш(кизил карточка) мақсадида ўйинни тўхтатса.

Эркин зарба майдоннинг қоида бузилган жойидан ўйинга киритилади.

Интизомий жазолар

Огохлантириш кўрсатиш билан жазоланувчи қоида бузилиш ҳолатлари

Агар ўйинчи қуйидаги 7 қоида бузилиш ҳолатларининг бирини содир этса, ҳакам томонидан сарик карточка кўрсатиш орқали огохлантирилади:

спорт қоидаларига ҳилоф равишда ҳаракат қилса;

сўзлари ёки ҳаракатлари орқали ҳакамнинг қарорига норозилик билдирса;

ўйин Қоидаларини доимий равишда бузса;

сунъий равишда ўйинни давом этишига ҳалақит қилса;

бурчак, жарима тўпи ёки эркин зарба амалга оширилаётган пайтда масофавий жойлашишни бузса;

ҳакамнинг рухсатисиз майдонга чиқса ёки майдонга қайтса;

ҳакамни рухсатисиз онгли равишда майдонни тарк этса.

Майдондан четлатиш билан жазоланувчи қоида бузилиш ҳолатлари

Агар ўйинчи қуйидаги 7 қоида бузилиш ҳолатларининг бирини содир этса, ҳакам томонидан қизил карточка кўрсатиш орқали огохлантирилади:

ўта қўпол ва хавфли ҳаракатни амалга оширса;

ўзини жуда бетартиб ҳолда тутса;

рақиб ўйинчиси ёхуд бошқа кимсага нисбатан тупурса;

тўпни атайин қўли билан ушлаб қолиш орқали рақиб жамоа ўйинчиларининг тўпни дарвозага киритишига халақит қилса (дарвозабон ўз жарима майдончаси ичида тўпни қўли билан ўйнаши бундан мустасно);

эркин зарба, жарима тўпи ёки 11-метрлик жарима тўпи белгилаш билан жазоланувчи қоида бузилиши ҳолатини содир этган ҳолда зарба бериш ҳолатига чиқаётган рақиб ўйинчисини тўхтатиб қолса;

хақоратли, одобсиз сўз ва ибораларни ишлатса;

бир ўйинда икки марта сариқ карточка билан огохлантирилса.

ҲАЛҚАРО КЕНГАШ ҚАРОРИ

Қарор 1

Агар дарвозабон ўз жарима майдончаси ичида қўлидаги ўйин ҳолатидан чиқмаган тўп билан рақиб жамоа ўйинчисига зарба берса ёки бунга ҳаракат қилса, учрашув ҳаками 11-метрлик жарима тўпи белгилаши керак.

Қарор 2

Огохлантириш ёки майдондан четлатиш билан жазоланувчи қоидабузарликка йўл қўйган ўйинчи, қоидани қаерда (майдонда ёки майдон ташқарисида) ва кимга нисбатан (рақиб ўйинчига, жамоадошига, бош ҳакамга, ёрдамчи ҳакамларга ёки бошқа шахсга) нисбатан бузганлигидан қатъий назар, ўйин Қоидаларига биноан жазоланиши керак.

Қарор 3

Дарвозабон тўпни эгаллаб олди деб ҳисоблаш учун, у тўпга қўлининг исталган қисми билан тўпга тегиб турган вазиятда бўлиши керак. Бундан ташқари, дарвозабон ўзи томон ҳаракатланаётган тўпни оёқлари билан қисиб олган ҳолатда ҳам тўпни дарвозабон эгаллаб олди деб ҳисобланади. Лекин, ҳакамнинг фикрига кўра, тўп тасодифан дарвозабоннинг қўлларида чиқиб кетса, масалан дарвоза томон йуналтирилган зарбани қайтаришда дарвозабон тўпни қўлларида ушлаб қола билмаса, дарвозабон тўпни эгаллаб олди деб ҳисобланмайди.

Дарвозабон тўпни 5-6 секунддан узоқ вақт давомида қўлларида ёки танасига қисган ҳолда ушлаб турса, ўйин вақтини чўзганликда айбланади.

Қарор 4

12 – Қоиданинг кўрсатмаларига биноан ўйинчи тўпни боши, кўкраги, тиззаси ва х.к. орқали ўз дарвозабонига етказиб бериши мумкин. Бироқ, ҳакамнинг фикрига кўра, агар ўйинчи ўйин пайтида онгли равишда 12 – Қоидада белгилаб қўйилган чекловларни ошиб ўтишга ҳаракат қилса, у спорт қоидаларига хилоф равишда ҳаракат қилганликда айбланади. Бундай ҳолларда ўйинчи сариқ карточка кўрсатиш орқали огохлантирилиб, рақиб жамоа фойдасига ўйин Қоидаси бузилган жойдан эркин зарба белгиланади.

Жарима ёки эркин зарбани амалга ошириш вақтида 12-қоидага асосан чеклашларни айланиб ўтиш мақсадида акробатик ҳаракатлар амалга оширилса, ўйинчи ҳакам томонидан сариқ карточка билан огохлантириши ва зарба қайтатдан ижро этилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган ҳолатда кейинчалик дарвозабоннинг тўпга тегиш ёки тегмаслиги аҳамият касб этмайди. Чунки бундай ҳолларда ўйин Қоидасини дарвозабон эмас, балки ўйинчи бузган деб топилади, яъни у 12 – Қоидага риоя қилмаганликда айбланади.

Қарор 5

Тўпни орқадан рақиб ўйинчига жароҳат етказиш хавфи билан эгаллаб олиш учун ҳаракат қилиш қўпол қоида бузилиши сифатида жазоланиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган 5 – Қарорда, бундай қоида бузилишга йўл қўйган ўйинчи 12 – Қоиданинг 1-банди, яъни «Майдондан четлатиш» бандига асосан майдондан четлатилиши (кизил карточка) кераклигини англатади.

13-ҚОИДА: ЖАРИМА ТЎПИ ВА ЭРКИН ЗАРБА*

Рус ва ўзбек тилларидан бошқа барча тилларда ушбу зарбалар эркин (free kick), жарима зарбаси эса — тўғри эркин зарба (direct free kick), эркин зарба эса — тўғри бўлмаган эркин зарба (indirect free kick) деб аталади. Пенальти (penalty-kick) 11 метрдан бериладиган жарима зарбасига нисбатан ишлатилади.

Майдоннинг турли нуқталаридан бериладиган зарбалар турлари Майдоннинг у ёки бу нуқтасидан ижро этиладиган зарба эркин ёки жарима зарбаси бўлиши мумкин.

Эркин ёхуд жарима зарбаси ижро этилаётганда тўп ҳаракатсиз ҳолда бўлиши шарт. Зарба ижро этувчи футболчи тўп бошқа бир футболчининг оёғига теккандан сўнггина тўпни тегиши мумкин.

Жарима зарбаси



Агар жарима зарбаси ижро этилганидан сўнг тўп футболчилардан ҳеч бирига тегмасдан рақиб дарвозаси тўрига бориб тушса, "дарвоза ишғол этилган", деб ҳисобланади.

Агар жарима зарбасидан сўнг тўп футболчилардан ҳеч кимга тегмай, ўз дарвозасига бориб тушса, рақиб команда фойдасига бурчак тўпи белгиланади. (Яъни, АВТОГОЛ ҳисобланмайди!)

ЭРКИН ЗАРБА

Мажбурий ишора

Эркин зарба берилиши олдидан ҳакам қўлини боши узра кўтариб, зарба берилгач, тўп ўйинчилардан бирига теккунча, ёки майдонни тарк этгунча қўлини туширмайди.

Тўп дарвозага бориб тушди

Эркин зарба йўллангандан кейин флакатгина тўп ўйинчилардан бирига тегиб, дарвозага бориб тушган ҳолдагина гол инобатга олинади.

Агар эркин зарбадан сўнг, тўп ҳеч кимга тегмасдан рақиб дарвозаси

тўрига бориб тушса, гол ҳисобланмайди ва тўп дарвоза майдончасидан ўйинга киритилади.

Агар эркин зарба ижро этилгандан сўнг тўп ҳеч бир ўйинчига тегмасдан, ўз дарвозаси тўрига бориб тушса, рақиб команда фойдасига бурчак тўпи белигиланади.

Майдоннинг турли нуқталаридан зарба ижро этиш

Жарима майдони ичидан жарима ёки эркин зарба ижро этиш

Эркин ёки жарима зарбаси ижро этилаётганда ҳимояланаётган жамоа ўйинчилари:

тўпдан камида 9,15 м масофада туришади;

тўп ўйинга киритилгунга қадар, рақиб жамоа ўйинчилари жарима майдони ташқарисидан туриши керак;

Тўпга оёқ билан зарба берилгач, ҳеч бир ўйинчига тегмасдан жарима майдонини тарк этган лаҳзадан бошлаб, тўп ўйинга киритилган деб ҳисобланади;

дарвоза майдончаси ичида қайд этилган қоида бузилиши учун белгиланган эркин ёки жарима зарбаси бу майдончанинг исталган нуқтасидан амалга оширилади.

Ҳужум қилаётган жамоа томонидан эркин зарба ижро этилганда:

рақиб жамоа ўйинчиларининг барчаси тўп ўйинга киритилганга қадар, тўпдан камида 9,15 м масофда туриши керак, бунда улар ўз жамоаси дарвозаси устунлари орасида — дарвоза чизиқлари устида туришига ҳам рухсат этилади;

тўпга оёқ тегиб жойидан силжиши билан, тўп ўйинга киритилган деб ҳисобланади;

Дарвоза майдончаси ичида қайд этилган қоида бузилиши учун белгиланган эркин зарба, дарвоза майдончасини белгилаб берувчи, дарвоза чизигига параллел чизиқ устидан, қоида бузилган жойга максимал яқин нуқтадан ижро этилади.

Жарима майдони ташқарисидан эркин ёки жарима зарбаси ижро этиш

рақиб жамоанинг барча ўйинчилари тўп ўйинга киритилганга қадар, ундан камида 9,15 м масофда туришади;

тўпга оёқ тегиб жойидан силжитилиши билан, ўйинга киритилган ҳисобланади;

эркин ёки жарима зарбаси қоида бузилган нуқтадан ижро этилади.

Қоида бузилиши/жазолар

Агар эркин ёки жарима зарбаси ижро этилишидан аввал рақиб жамоа ўйинчиларидан бири тўпгача белгиланган масофадан яқинроқ жойлашган бўлса:

зарба қайта ижро этилади.

Агар ҳимояланаётган жамоа ўйинчиси ўз жарима майдончаси ичидан эркин ёки жарима зарбаси ижро этганда тўп ўйинга кирмаса:

зарба қайта ижро этилади.

Майдондаги ўйинчи томонидан эркин ёки жарима зарбаси ижро

этилиши

Тўп ўйинга киритилгач, эркин ёки жарима зарбасини ижро этган ўйинчи тўп бошқа ўйинчига етиб бормасдан яна тўпга тегса (фақат қўли билан эмас):

рақиб жамоа фойдасига қоида бузилган жойдан эркин зарба бериши белгиланади (тўпга икки марта тегиш).*

Агар тўп ўйинга киритилгандан сўнг эркин ёки жарима зарбасини ижро этган ўйинчи тўп ўйинчилардан бирига бориб тегмасдан аввал тўпни қўли билан қасддан ушласа:

Қоида бузилган жойдан рақиб жамоа фойдасига жарима зарбаси белгиланади; *

Агар қоида бузилиши зарбани ижро этган ўйинчи жарима майдони ичида юз берган бўлса, 11- метрлик жарима тўпи белгиланади.

Дарвозабон томонидан ижро этилган эркин ёки жарима зарбаси

Агар тўп ўйинга киритилгандан сўнг эркин ёки жарима зарбасини амалга ошириб берган дарвозабон тўп ўйинчилардан бирига бориб тегмасдан ўзи иккинчи бор тўпга тегса (қўли билан эмас):

рақиб жамоа фойдасига қоида бузилган жойдан эркин зарба белгиланади (тўпга икки марта тегиш).*

Агар тўп ўйин ўйинга киритилгандан сўнг эркин ёки жарима зарбасини ижро этган дарвозабон тўп ўйинчилардан бирига бориб тушмасдан аввал тўпни қўли билан қасддан ушласа:

агар қоида бузилиши жарима майдони ташқарисида юз берса, қоида бузилган жойдан рақиб жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади; *

агар қоида бузилиши дарвозабон жарима майдони ичида юз берган бўлса, қоида бузилган жойдан рақиб жамоа фойдасига эркин

14-ҚОИДА: 11-МЕТРЛИК ЖАРИМА ТЎПИ

Ўз жарима майдончаси ичида 10 хил қоида бузилиш ҳолатларидан бирига йўл қўйган ўйинчи жамоаси, қоида бузган жамоа дарвозаси томон 11-метрлик жарима тўпи билан жазоланади. Бунда тўп ўйин ҳолатида бўлиши керак.

Тўп Бевосита 11-метрлик жарима тўпидан киритилса, гол ҳисобланади.

Тайм ёки қўшимча вақт сўнггида 11-метрлик жарима тўпи белгиланса, учрашувга ушбу жарима тўпи амалга оширилиши учун қўшимча вақт қўшилиши керак.

Тўпнинг ўрнатилиши ва ўйинчиларнинг жойлашиши

Тўп:

11-метрлик нуқтага ўрнатилади.

11-метрлик жарима тўпини амалга оширувчи ўйинчи:

сезиларли даражада аниқланган бўлиши ва ажралиб туриши керак.

Химояланаётган жамоа дарвозабони:

зарба берилгунга қадар дарвоза тўсинлари орасидаги чизиқ устида зарба берадиган рақибига юзма-юз ҳолатда туриши керак.

Жарима тўпини амалга оширувчи ва ҳимояланаётган жамоа дарвозабонидан ташқари қолган барча ўйинчилар:

майдонда;

ҳимояланаётган жамоа жарима майдончаси ташқарисида;

11-метрлик жарима нуқтаси орқасида;

11-метрлик жарима нуқтасидан 9,15 метрдан кам бўлмаган масофада жойлашишлари керак.

Хакам

барча ўйинчилар 14-Қоидада кўрсатилган тартибда жойлашмагунга қадар 11-метрлик жарима тўпини амалга ошириш учун хуштак чалинмаслиги керак.

11-метрлик жарима тўпи амалга оширилиши якунланганлиги тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Жарима тўпини амалга ошириш тартиби ва йўл-йўриқлари:

ўйинчи, жарима тўпини амалга оширишда тўпни фақат олдинга йўналтириши керак;

у зарба бергандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб, иккинчи марта тегишга ҳаққи йўқ;

оёқ билан зарба берилгандан сўнг тўп нуқтадан олдинга қараб силжиса, тўп ўйинга кирган деб ҳисобланади.

11-метрлик жарима тўпи амалга оширилгандан сўнг, учрашувнинг асосий вақти ёки жарима тўпини амалга ошириш учун қўшиб берилган вақт давомида тўп дарвоза тўсинлари орасидаги ва дарвоза устуни остидаги чизиқни тўлиқ кесиб ўтса, гол ҳисобга олинади:

тўп бир ёки бир неча марта дарвоза тўсинлари, устуни ёки дарвозабонга тегиб дарвоза чизиғини тўлиқ кесиб ўтади.

Қоида бузарликлар/жазолар

Агар учрашув ҳаками 11-метрлик жарима тўпи белгиласа ва тўп ўйинга киритилгунга қадар қуйидаги вазиятлардан бири содир этилганда қабул қилиниши керак бўлган қарорлар:

11-метрлик жарима тўпини амалга оширувчи ўйинчи ўйин Қоидасини бузса:

ҳакам жарима тўпи амалга оширилиши натижасини кутиб туради;

агар тўп дарвозага киритилса, зарба қайтадан амалга оширилади;

агар тўп дарвозага киритилмаса, зарба қайта амалга оширилмайди.

Ҳимояланаётган жамоа дарвозабони ўйин Қоидасини бузса:

ҳакам жарима тўпи амалга оширилиши натижасини кутиб туради;

агар тўп дарвозага киритилса, гол ҳисобга олинади;

агар тўп дарвозага киритилмаса, зарба қайтадан амалга оширилади.

Зарба берувчи ўйинчининг жамоадоши жарима майдончаси ичига кириб олса ёки дарвоза чизиғига 11 метрдан яқинроқ ёки 11-метрлик нуқтага 9,15 метрдан яқинроқ масофага жойлашиб олса:

ҳакам жарима тўпи тепилишига руҳсат беради;

агар тўп дарвозага киритилса, зарба қайтадан амалга оширилади;

агар тўп дарвозага киритилмаса, зарба қайта амалга оширилмайди.

агар тўп дарвозабон, дарвоза устунни ёки тўсинларига тегиб майдонга қайтса ва ушбу ўйинчи тўпга тегса, ҳакам ўйинни тўхтатади ва химояланаётган жамоа фойдасига эркин зарба белгилайди.

Химояланаётган жамоа дарвозабони жамоадоши жарима майдончаси ичига кириб олса ёки дарвоза чизигига 11 метрдан яқинроқ ёки 11-метрлик нуқтага 9,15 метрдан яқинроқ масофага жойлашиб олса:

ҳакам жарима тўпи тепилишига рухсат беради;

агар тўп дарвозага киритилса, гол ҳисобга олинади;

агар тўп дарвозага киритилмаса, зарба қайтадан амалга оширилади.

Иккала жамоа ўйинчилари ҳам бир вақтда ўйин Қоидасини бузса:

зарба қайтадан амалга оширилади.

Агар, 11-метрлик жарима тўпи амалга оширилгандан сўнг:

Жарима тўпини амалга оширган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегинмасдан туриб, иккинчи марта тегса(фақат қўли билан эмас):

ўйин Қоидаси бузилган жойдан химояланаётган жамоа фойдасига эркин зарба белгиланиши керак(тўпга иккинчи бор тегингани сабали). *

Жарима тўпини амалга оширган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегинмасдан туриб, атайин тўпни қўли билан ўйнаса:

ўйин Қоидаси бузилган жойдан химояланаётган жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланиши керак.

11-метрлик жарима тўпи амалга оширилиб, дарвоза томон йуналтирилган тўп бегона шахсга тегса:

зарба қайтадан амалга оширилади.

11-метрлик жарима тўпи амалга оширилгандан сўнг, тўп дарвозабон, дарвоза устунни ёки тўсинларига тегиб майдонга қайтиб бегона шахсга тегса:

ҳакам ўйинни тўхтатиши керак;

тўп майдоннинг бегона шахсга теккан жойидан «бахсли тўп» орқали ўйин давом эттирилади.

15-ҚОИДА: Тўпни ён чизиқдан ўйинга киритиш

Тўпни ён чизиқдан ўйинга киритиш ўйинни давом эттириш усулларида бири ҳисобланади.

Ён чизиқдан ўйинга киритилган тўп бевосита ҳеч кимга тегмай дарвоза чизигини кесиб ўтса, гол ҳисобга олинмайди.

Тўпни ён чизиқдан ўйинга киритиш:

тўп ён чизиқни ерда ёки хавода тўлиқ кесиб ўтгандан сўнг амалга оширилади;

тўп айнан ён чизиқни кесиб ўтган жойидан ўйинга киритиш амалга оширилади;

ён чизиқни кесиб ўтишдан олдин охирги марта тўпга тегинган жамоа ўйинчисининг рақибларидан бири томонидан амалга оширилади.

Тўпни ён чизиқдан ўйинга киритиш тартиби ва йўл-йўриқлари



Ўйинчи тўпни ён чизикдан майдонга ташаб бераётган пайтда қуйидаги талабларни бажариши керак:

майдонга юзи билан туриши керак;

иккала оёғи товонларини шундай ҳолатда жойлаштириши керакки, уларнинг ҳеч булмаса бир қисми ён чизикнинг устида, ёки майдоннинг ташқарисида туриши лозим;

тўпни иккала қўли билан ўйинга киритиши керак;

тўпни бошидан ошириб сезиларли ҳаракат билан ўйинга киритиш керак.

Тўпни ён чизикдан ўйинга киритган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпга тегишга ҳаққи йўқ.

Тўп майдон ичига кириши билан ўйин ҳолатида деб ҳисобланади, яъни ўйин давом эттирилади.

Қоида бузарликлар/жазолар

Агар ўйинчи тўпни ён чизикдан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпга тегса(фақат қўли билан эмас):

ўйин Қоидаси бузилган жойдан рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланиши керак. *

Агар ўйинчи тўпни ён чизикдан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпни атайин қўли билан ўйнаса:

ўйин Қоидаси бузилган жойдан рақиб жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланиши керак;

агар ўйинчи ўз жарима майдончасида тўпни қўли билан ўйнаган бўлса, 11-метрлик жарима тўпи белгиланиши керак.

Дарвозабон томонидан тўпни ён чизикдан ташлаб беришда

Агар дарвозабон тўпни ён чизикдан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпга тегса(фақат қўли билан эмас):

ўйин Қоидаси бузилган жойдан рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланиши керак.

Агар дарвозабон тўпни ён чизикдан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпни атайин қўли билан ўйнаса:

агар бу қоидабузарлик ўз жарима майдончасининг ташқарисида ёки рақиб жамоа жарима майдончасида содир этилган бўлса, ўша нуқтадан рақиб жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади; *

агар бу қоидабузарлик ўз жарима майдончасида содир этилган бўлса ўша нуқтадан рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади. *

Агар ён чизикдан тўпни ўйинга киритаётган ўйинчига рақиб ўйинчиси ноҳақлик билан, қоидага ҳилоф равишда тўпни ўйинга

критишда халақит қилса:

бу қоидабузарлик спорт қоидаларига хилоф равишда ҳаракат килиш деб топилиб, Қоида бузган ўйинчи сариқ карточка кўрсатиш билан огохлантирилиши керак.

15 – Қоида шартларининг қолган исталган бузилиш ҳолатларида:
ён чизикдан тўпни ўйинга киритиш ҳуқуқи рақиб жамоага берилади .

16-ҚОИДА: ТЎПНИ ДАРВОЗА ЁНИДАН ЭРКИН ЗАРБА БИЛАН ЎЙИНГА КИРИТИШ

Тўпни дарвоза ёнидан эркин зарба билан ўйинга киритиш ўйинни давом эттириш усулларида бири ҳисобланади.

Бевосита тўпни дарвоза ёнидан эркин зарба билан ўйинга киритиш орқали дарвозага киритилган тўп ҳисобга олинади, фақат тўп рақиб жамоа дарвозасига киритилса (ўз дарвозасига урилган тўп ҳисобга олинмайди).

Қуйидаги ҳолатларда ўйин тўпни дарвоза ёнидан эркин зарба тегиш билан давом эттирилади:

тўп охириги марта ҳужум уюштираётган жамоа ўйинчисига теккан ҳолда, ерда ёки хавода чизикни тўлиқ кесиб ўтган бўлса, бунда 10 – Қоида шартларига мувофиқ тўп дарвозага киритилмаган бўлиши керак.

Амалга ошириш тартиби

зарба дарвоза майдончасининг хоҳлаган нуқтасига урнатилиб, ҳимояланаётган жамоанинг исталган ўйинчиси томонидан амалга оширилади;

рақиб жамоанинг барча ўйинчилари жарима майдончасининг ташқарисида жойлашишлари ва тўп ўйинга киритилмагунга қадар жарима майдончасига кирмасликлари керак;

зарбани амалга оширган ўйинчи тўпга бошқа ўйинчи тегинмасдан туриб иккинчи марта тўпга тегишга ҳаққи йўқ;

зарбадан сўнг тўп ҳеч қайси ўйинчига тегмаган ҳолда жарима майдончасини тарк этган захоти тўп ўйинга киритилган деб ҳисобланади.

Қоида бузарликлар/жазолар

Зарбадан сўнг тўп ҳеч кимга тегмаган ҳолда жарима майдончасини тарк этмаса:

зарба қайтадан амалга оширилади.

Майдондаги ўйинчи томонидан дарвоза ёнидан эркин зарба билан тўпни ўйинга киритишда

Агар ўйинчи дарвоза ёнидан тўпни эркин зарба билан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпга тегса(фақат қўли билан эмас):

Қоида бузилган, яъни ўйинчи иккинчи марта тўпга тегинган нуқтадан рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади.

Агар ўйинчи дарвоза ёнидан тўпни эркин зарба билан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпни атайин қўли билан ўйнаса:

Қоида бузилган, яъни ўйинчи иккинчи марта тўпга тегинган нуқтадан рақиб жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади; *

агар ўйин Қоидаси ўз жарима майдончаси ичида содир этилган бўлса, рақиб жамоа фойдасига 11-метрлик жарима тўпи белгиланади.

Дарвозабон томонидан дарвоза ёнидан эркин зарба билан тўпни ўйинга киритишда

Агар дарвозабон дарвоза ёнидан тўпни эркин зарба билан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпга тегса(фақат қўли билан эмас):

Қоида бузилган, яъни дарвозабон иккинчи марта тўпга тегинган нуқтадан рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади.

Агар дарвозабон дарвоза ёнидан тўпни эркин зарба билан ўйинга киритгандан сўнг, тўпга бошқа ўйинчи тегмасдан туриб иккинчи марта тўпни атайин қўли билан ўйнаса:

агар ўйин Қоидаси ўз жарима майдончаси ташқарисида содир этилган бўлса, ўша нуқтадан рақиб жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади; *

агар ўйин Қоидаси ўз жарима майдончаси ичида содир этилган бўлса, ўша нуқтадан рақиб жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади. *

16 – Қоида шартларининг қолган исталган бузилиш ҳолатларида:

тўпни дарвоза ёнидан эркин зарба билан ўйинга киритиш қайтадан амалга оширилади.

17-ҚОИДА: БУРЧАК ТЎПЛАРИ

Тўпни бурчакдан ўйинга киритиш ўйинни давом эттириш усулларида бири ҳисобланади.

Бурчак тўпидан киритилган гол албатта ҳисобга олинади, агар бу рақиб дарвозасига киритилса.

Бурчак тўплари қуйидаги ҳолларда белгиланади:

Тўп дарвоза чизиғидан ерда ёки ҳавода тўлиқ кесиб ўтган бўлса ва бу тўпга сўнгги бўлиб ҳимояланаётган футболчи теккан бўлса. Бундан олдин 10-қоидага кўра тўп дарвозага кирмаган бўлса.

Бурчак тўпини амалга ошириш тартиби:

Тўп бурчак сектори ичига байроқли устуннинг атрофида жойлаштирилади. Ҳамда дарвоза чизиғига яқинроқ нуқтага қўйилади;

Зарба бераётган пайтда байроқли устунга тегиш таъқиқланади;

Тўп ўйинга киритулгунча, рақиб жамоа футболчиси тўпдан 9,15 метрдан яқин бўлмаган масофада туриши лозим;

Бурчак тўпи ҳужум қилаётган жамоа аъзоси томонидан оёқ билан ўйинга киритилади;

Тўп оёқ билан жойидан силжиши билан ўйинга киритилган деб ҳисобланади;



Бурчак тўпини киритаётган ўйинчи биринчи бор тўпга тегишгандан сўнг кема-кет иккинчи бор тегина олмайди, яъни тўпга иккинчи марта унинг жамоадоши келиб тегинади.

Қоидабузарлик/жазолар

Бурчак тўпи майдонда ҳаракат қилаётган ўйинчи томонидан киритилади

Агар бурчак тўпини ўйинга киритувчи футболчи тўпга иккинчи бор тегиниб(лекин қўл билан эмас, унда бошқача жазо қўлланади) кетса, унда:

Қоида(тўпга кетма-кет иккинчи бор тегиниш) бузилган нуктадан ҳакам томонидан қарама-қарши жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади;*

Агар бурчак тўпини ўйинга киритувчи футболчи тўпга иккинчи бор атайин қўли билан ўйнаса, унда:

Ҳакам томонидан қоида бузилган нуктадан қарама-қарши жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади;

Агар ҳимоячи ўз жарима майдони ичида қўл билан ўйнаса, ҳакам томонидан 11-метрлик жарима тўпи белгиланади.

Бурчак тўпининг дарвозабон томонидан киритилиши

Агар бурчак тўпини ўйинга киритувчи дарвозабон тўпга иккинчи бор тегиниб(лекин қўл билан эмас, унда бошқача жазо қўлланади) кетса, унда:

Ҳакам томонидан қоида(тўпга кетма-кет иккинчи бор тегиниш) бузилган нуктадан қарама-қарши жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади;

Агар бурчак тўпини ўйинга киритувчи дарвозабон тўпга иккинчи бор қўли билан атайин тегиниб кетса, унда:

Дарвозабоннинг ўз жарима майдони ташқарисида бўлса, ҳакам томонидан қоида бузилган нуктадан қарама-қарши жамоа фойдасига жарима тўпи белгиланади;

Дарвозабоннинг ўз жарима майдони ичида бўлса, ҳакам томонидан қоида бузилган нуктадан қарама-қарши жамоа фойдасига эркин зарба белгиланади.

Бурчак тўпларини киритиш вақтида қолган барча 17 – қоида бузилиш ҳолатларида:

Бурчак тўпи қайтатдан киритилади.

18-ҚОИДА: 11-МЕТРЛИК НУҚТАДАН ЗАРБАЛАР

Ўйин дуранг натижа билан якунланган пайтда, турнир регламентида иштирокчи давом эттириш учун кейинги босқичга жамоалардан бири чиқиши талаб қилинса, 11-метрлик нуктадан бериладиган зарбалар ғолибни аниқлаш учун ягона йўл ҳисобланади.



Амалга ошириш жараёни

Бош ҳакам зарбалар йўлланадиган даврозани аниқлайди.

Бош ҳакам қуръа ташлайди ва қайси жамоа сардори қуръада ютиб чиқса ўша жамоа биринчи бўлиб зарбани ижро этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Бош ҳакам ижро этилган зарбаларни ёзма равишда қайд этиб боради.

Қуйида келтирилган шартларга асосан жамоалар 5 маротабадан зарба ижро этади.

Ҳар бир жамоа ўйинчиси навбат билан зарбани ижро этади.

Агар пеналтилар сериясига тугагунча жамоалардан бири 5та зарбадан киритган голлари сони, иккинчи жамоа ҳам худди шунча зарба ижро этиб киритган голлари сонига амалий жиҳатдан ета олмаса, унда 11-метрлик нуқтадан бериладиган зарбалар тўхтатилади.

Агар иккала жамоа ҳам 5та зарбадан урган голлари сони тенг бўлса ёки умуман урилмаган бўлса, унда жамоалардан бири 1тадан зарба ижро этишда рақибидан битта гол кўп ургунча ўша тартибда давом этаверади.

Дарвозабон, пеналтилар серияси давомида дарвозага тур олмайдиган даражада жароҳат олса, унда мусобақа регламентига кўра максимал даражада ўйинчиларни алмаштирмаган бўлса, захирдаги футболчи билан алмаштирилиши мумкин.

Иккинчи бўлимнинг асосий вақти ёки қўшимча вақти(агар қўшимча тайм мусобақа регламентига мавжуд бўлса) тугаган маҳалида майдонда ҳаракат қилган ўйинчилар 11-метрлик нуқтадан зарба ижро этиш ҳуқуқига эга.

Футболчилар бир маротабадан зарба беришади, агар барча ўйинчилар бир мартадан зарба ижро этиб бўлишсагина, уларга яна тепиш ҳуқуқи берилади.

11-метрлик нуқтадан бериладиган зарбалар вақтида, ҳар бир ўйинчи ҳакам рухсати асосида ўз дарвозабон билан зарба беришда алмашиши мумкин.

11-метрлик нуқтадан бериладиган зарбадан олдин фақатгина зарба берувчи футболчи билан ҳакамга жарима майдони ичида туриш ҳуқуқи берилади.

Иккала жамоа дарвозабони ва зарба ижро этувчи футболчидан ташқари

барча ўйинчилар марказий айлана ичида туришлари шарт.

Зарба ижро этаётган футболчи жамоаси дарвозабони зарба ижро этилаётган вақтда жарима майдонидан ташқарида, яъни дарвоза чизиги билан жарима майдони чизиги кесишган нуқтада туриши лозим.

11-метрлик нуқтадан бериладиган зарбалар жараёнида Ўйин қоидаларига ва ХК қарорига амал қилишлари талаб этилади.

19-ҚОИДА: ТЕХНИК МАЙДОНЧА ВА ТЎРТИНЧИ ҲАКАМ

ТЕХНИК МАЙДОНЧА



Расмда кўриб турганингиздек, майдонда бўладиган учрашувларда захира футболчилари учун махсус ўриндик ва жамоа раҳбарияти учун мўлжалланган 3-қоида ва 2-қарордаги каби техник майдонча бўлади.

Техник майдончалар турли майдонларда бир – биридан фарқ қилиши мумкин. Масалан, катталиги ва ўрнатилган жойи билан фарқ қилади.

Лекин бу майдончаларни аниқлаш учун қуйидаги бир хил принципларга асосланади:

Техник майдонча захира ўриндигидан барча томонларга 1 метр масофада чизик тортилиб чегараланади. Майдоннинг ён чизигидан ҳам 1 метр масофада ажралиб туради.

Техник майдончанинг чегарасини аниқлаш учун аниқ белгилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мусобақа регламентига кўра техник майдонча ичидаги шахслар сони аниқланади.


Техник майдончада туришга мусобақа регламентига кўра аниқланаган шахсларга рухсат берилади. Уларнинг фамилиялари мусобақа баённомасига ўйин бошлангунча киритилиши шарт.

Ҳамма вақт фақат битта шахсга ўйинчиларга кўрсатма беришга рухсат берилади ва кўрсатмаларни бериб бўлингандан кейин у дарҳол ўриндикдаги ўзининг жойига қайтиши шарт.

Мураббий ва расмий шахслар техник майдончадан ташқарига чиқиш ҳуқуқи берилмаган. Фақат шифокорлар бундан мустасно. Улар майдондаги бош ҳакам кўрсатмасига асосан жароҳат олган футболчига тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадидагина техник майдончадан ташқарига чиқиши мумкин.

Техник майдончадаги мураббий ва расмий шахслар ўзларининг жавобгарлик доирасига кирадиган даражада тўғри тутишлари лозим.

ТЎРТИНЧИ ҲАКАМ



Мусобақа регламентига кўра ҳар бир ўйинга тўртинчи ҳакам тайинланиши мумкин. Агар майдонда ҳаракат қилаётган 3 ҳакамдан биронтаси ўзининг вазифасини бажара олмайдиган даражадаги вазиятга тушиб қолса, унда 4-ҳакам унинг ўрнига алмаштирилади.

Агар ҳакам ўз вазифасини бажара олмайдиган даражадаги вазиятга тушиб қолса унда ҳакамларни алмаштириш тартиби мусобақа регламенти асосида амалга оширилади.

Бош ҳакам кўрсатмасига биноан тўртинчи ҳакам ўйингача, ўйин пайтида ва ўйиндан кейин бош ҳакамга барча ташкилий ишларда ёрдам бериши мумкин.

Тўртинчи ҳакам ўйин пайтида футболчиларнинг алмаштириш жараёнига бевосита ёрдам беришга мажбур.

Агар ўйин жараёнида ўйиндаги тўпни алмаштириш зарурияти туғилса, унда тўртинчи ҳакам бу ишга маъсулдир. Ўйин вақтини чўзмаслик учун тўртинчи ҳакамда захира тўпи бўлиши лозим.

Тўртинчи ҳакам футболчи захирадан майдонга тушишидан олдин ўйинчини текшириб кўриш ҳуқуқига эга. Агар футболчининг кийинишада хатоликни сезса буни дарҳол бош ҳакам ёрдамчисига маълум қилади. У эса ўз ўрнида бош ҳакамга бу ҳақда маълумот беради.

Тўртинчи ҳакам барча масалаларда бош ҳакамга ёрдам беради.

Ўйин тугаши билан тўртинчи ҳакам ўйин ҳақидаги баённомона мусобақа ўтказувчи ташкилотга олиб бориб беради. Агар ўйин вақтида бош ҳакам ва унинг ёрдамчилари расмий шахсларнинг ўзларини нотўғри тутиши ва бахтсиз ҳодисаларни назаридан четда қолдирган бўлса, унда тўртинчи ҳакам ҳакамлар жамоаси билан келишилган ҳолда бу ҳақда баённомада акс эттириш лозим.

20-ҚОИДА: ҲАКАМ ИШОРАЛАРИ

БОШ ҲАКАМ ИШОРАЛАРИ



Indirect free kick

Эркин зарба




Direct free kick

Жарима зарбаси



Advantage


Ўйинни давом
эттириш




Сариқ карточка

Огоҳлантириш

Қизил
карточка



Четлатиш



БОШ ҲАКАМ ЁРДАМЧИЛАРИНИНГ ИШОРАЛАРИ



Substitution

Ўйинчи алмаштириш



Ўйиндан
ҳолат

ташқари

Ўн
тўғни
киритиш



Throw-in

чизикдан
ўйинга



Offside on the near side of the field

Ўйиндан
ҳолат, яқин нуқтадан

ташқари

ҳолат,

ўртарағидан



Offside in the centre of the field

Ўйиндан

ташқари
майдоннинг

Ўйиндан
ташқари
майдоннинг
нуқтасидан



Offside on the far side of the field

ҳолат,
узоқ

21-ҚОИДА: ЙЎҚОТИЛГАН ВАҚТ КОМПЕНСАЦИЯСИ

Ўйин қоидалари ва регламент

Тўртинчи ҳакам томонидан ўйиндаги тўхталишлар ҳисобига йўқотилган вақтни эълон қилиш

7 – Қоида: Ўйиннинг давомийлиги. Вақт кўшиб бериш.

Ўйиннинг ҳар бир бўлимида қуйидаги ҳолатлар учун вақт йўқотилиши туфайли қўшимча вақт кўшиб берилади:

ўйинчи (лар) алмаштириш,

ўйинчи жароҳати даражасининг жиддийлигини баҳолаш,
кузатиб қўйиш (ўйинчига ёрдам кўрсатилиши учун майдондан
ташқарига чиқариш),
ўйинни чўзиш,
бошқа бирор сабаб.

Вақтни қўшиш бош ҳакам кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

Мусобақалар регламентида белгиланишича, ўйин вақтида
стадионлардаги соатлар ишлаши мумкин, ягона шарт шундан иборатки ҳар
бир бўлим, яъни 45 ва 90 дақиқа тугагач, соатлар тўхтатилади. Ушбу шарт
финал ўйинларининг қўшимча бўлимлари учун ҳам тааллуқли. (Яъни,
соатлар 15 ва 30 дақиқа ўтгач, тўхтатилади).

Ўйиндаги тўхталишлар ҳисобига йўқотилган вақтни эълон қилиш

Агар ўйин тугамаган бўлса, бош ҳакам ўйиндаги тўхталишлар учун
қўшимча вақт ажратса, унга жуда катта босим ўтказилади. Ўйинчилар,
мураббийлар, жамоалар раҳбарлари ва ахборот воситалари қанча вақт
қўшилганидан бехабар бўлишади ва бош ҳакам томонидан қўшиб берилган
вақтда гол урилса, бу ҳолат бош ҳакамга эътирозларни кучайтириб юборади.

Ҳакамлар Қўмитаси қизиқаётган томонлар ўйиндаги тўхталишлар учун
қанча вақт қўшиб берилаётгани тўғрисида огоҳлантирилса, бош ҳакамга
босим кескин камаяди деган тўхтамга келди.

Бош ҳакам ва тўртинчи ҳакам ўйиндаги тўхталишлар ҳисобига вақт
йўқотилишига кўпроқ эътибор беришларига тўғри келади. Ҳакамлар
Қўмитаси оддий ҳолатларда ўйинчи алмаштиришга 30 сония, жароҳатланган

ўйинчини майдон ташқарисига кузатиш учун 1 дақиқа қўшиб беришни
тавсия этади. Алоҳида ҳолларда бош ҳакам юқорида қайд этилган ҳолатдан
фарқли ўлароқ, вақт йўқотилишини аниқроқ ҳисоблаши зарур бўлади.
(Масалан, майдонда дарвозабонга ёрдам кўрсатилганда).

Италияда кейинги йилларда тўпланган ижобий тажрибага асосланиб,
Ҳакамлар Қўмитаси УЕФА мусобақаларининг барча ўйинларида эълон
қилишнинг қуйидаги қоидаларига асосан, тўртинчи ҳакам томонидан қўшиб
берилаётган вақтни эълон қилишни тавсия этади:

Ҳар бир бўлимда асосий ўйин вақти тугагандан сўнг (45- ва 90-
дақиқалар ўтиб бўлгач) бош ҳакам тўртинчи ҳакамга имо-ишора ёки овоз
чиқариб, қанча вақт қўшишга қарор қилганини билдиради. Ўйинга ярим
дақиқа ёки сониялар эмас, тўлиқ дақиқалар қўшиб берилади. Ушбу қоида
қўшимча бўлимларда ҳам амал қилади (15- ва 30-дақиқалар тугагандан сўнг).

Тўртчи ҳакам ўйинчилар, мураббийлар, томошабиналар ва ахборот
воситаларига энг камида қўшиб берилаётган дақиқаларни ўйинчи
алмаштиришда фойдаланиладиган рақамланган (оддий ёки электрон)
табличкалар ёрдамида кўрсатади.

Бир марта ва томшабинлар учун ушбу ахборот стадионнинг
ретрансляцион тизими ёрдамида эълон қилиниши мумкин, шунингдек, қисқа
вақт мобайнида стадиондаги гигант мониторда ҳам кўрсатилишига рухсат
берилади.

Ўйиннинг асосий вақти тугагач, яъни 45- ва 90-дақиқалар ўтиб бўлгач,

стадиондаги соат тўхтатилади, агар қўшимча бўлимлар ўтказилса, 15- ва 30-дақиқалардан сўнг соат яна тўхтатилиши керак.

Ўйинга қўшиб берилган дақиқаларда бирор ҳолат юз берса ва бу ҳолат ўз-ўзидан яна вақт қўшилишни талаб қилса, на бош ҳакам, на тўртинчи ҳакам яна қанча вақт қўшилишини кўрсатмайди. Ўйин қоидаларига мувофиқ, қўшиб берилган вақтда ўйин тўхталишлари учун, шубҳасиз, яна бир қанча вақт қўшиб берилади.

МУСОБАҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ Мусобақа низоми

Совринли ўринлар, шунингдек, мусобақада қатнашувчи жамоалар ёки жисмоний тарбия жамоалари (натижалар клублар бўйича ҳисобга олинганда) эгаллай-диган барча кейинги ўринлар аниқланадиган бирон-бир расмий мусобақа ўтказишдан аввал мусобақа ҳақидаги низом тузилган бўлиши керак. Бу низом футбол Федерацияси ёки мусобақани ўтказувчи бошқа бирор ташкилот томонидан тасдиқланади.

Мусобақа низоми катта юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Унда асосий ташкилий ва техник шарт-шароитлар аниқ баён қилинган бўлади. Низом ўқув-машғулот ишларининг мазмунини белгилаб беради, чунки жамоаларнинг ташкилий-услубий тайёргарлиги бўлажак мусобақаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Мусобақада қатнашувчи жамоаларнинг тайёр-гарлик кўриш учун етарли вақтга эга бўлишлари назарда тутилиб, низом олдиндан тасдиқланиши ва тарқатилиши керак.

Мусобақани ўтказиш даврида тасдиқланган низомдан четга чиқишга йўл қўйилмайди, акс ҳолда мазкур мусо-бақани ўтказаётган ташкилотнинг обрўйига путур етади ва кераксиз низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, холос.

Мусобақа низомида қуйидаги масалалар акс эттирилган бўлиши керак:

Ўтказилаётган мусобақанинг мақсади ва вазифалари.

Мусобақани ким ўтказиши (федерация, ташкилий комитет ва ҳоказолар).

Мусобақа ўтказиш муддатлари ва шартлари.

Мусобақага қўйиладиган жамоалар сони ва номи, талабномага киритиладиган қатнашчиларнинг максимал миқдори.

Мусобақа ўтказиладиган ўйин тизими (давралари – бир ёки икки даврари, мағлубиятдан кейин ўйиндан чиқиб кетиладиган, аралаш тизим).

Ҳисобга олиш тизими ва жамоаларнинг ҳамда жисмоний тарбия жамоаларининг (натижалар клублар бўйича ҳисобланганда) эгаллаган ўринларини аниқлаш тартиби.

Мусобақаларнинг алоҳида шартлари (қандай ҳол-ларда ўйинда қўшимча вақт белгиланиши ва унинг давомийлиги, ўйин дуранг билан тугалланганда ёки ўтказилган мусобақа натижасида очколар сони тенг бўлганда. голибни аниқлаш усуллари, ўйин қоидаларида кўрсатил-гандан ташқари нечта ўйинчи алмаштириш мумкинлиги ва ҳоказолар).

Жамоаларни ва мусобақа қатнашчиларини расмий-лаштириш тартиби, шакли, ўйинчиларга талабномалар бериш ва қайта талабнома бериш муддати. Мусобақаларни олиб борадиган ҳакамлар жамоа-сининг номи.

Ўтказилган ўйинга норозилик билдириш ва уни кўриб чиқиш, шунингдек, ўйинчиларни майдондан чиқариб юбориш ёки уларни огоҳлантириш билан боғлиқ бўлган интизом масалаларини қараб чиқиш тартиби.

11. Ўйинчилар интизомни бузганлиги учун жамоалар-нинг жавобгарлиги ҳамда стадион ва клублар маъмурия-тининг ўйин ўтказиш вақтида тартиб сақланиши учун жавобгар бўлиши.

12. Мусобақа ўтказиладиган жойлар ва уларга қўйи-ладиган талаблар.

13. Голибларни мукофотлаш ҳамда охириги ўринларни эгаллаган жамоанинг ёки жамоаларнинг кейинги худди шундай мусобақада қатнашиш шартлари.

Мусобақа «НИЗОМИ» ни қуйидагича тузиш мумкин.

1.Мақсад ва вазифалари. *Мусобақанинг мақсади(ўқув ишини якунини ясаш,кучли жамоаларни аниқлаш футболни оммалаштириш в.х.к.) масобақанинг кўламига ва турига боғлиқ бўлади.*

2. Ўтказиш вақти ва жойи : *Мусобақа ўтказиладиган шаҳар .(инишоат)кўрсатилади ва кунларини белгиланади.*

3.Мусобақани бошқариш.: *Мусобақани ташиқил қилувчилар ва раҳбарлар ҳамда ҳакамлар бирлашмаси ва уларни тасдиқловчи ташиқилот кўрсатилади.*

4.Мусобақада қатнашувчилар: *Мусобақада қатнашувчилар ва жамоалар сони ва номи кўрсатилади.талабномага киритилган қатнашувчиларнинг энг кўп сони ёши,ва уларнинг малакаси белгиланади.*

5.Мусобақнинг ўтказиш шартлари.*Мусобақалар қайси усул (айланма,чиқиб кетиш, аралаш,) бўйича ўтказилиши батавсил кўрстилади.Куръа ташлаш вақти ,жойи ва унинг асосий шартлари малум қилинади.Мусобақа натижаларини аниқлаш тартиблари белгиланади.(очколар сони бир хил ,дуранг,ўйинга келмаслик ва бошқа холлар)*

6. Норозиликларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби.

Мусобақалар дпвомиди ва кейин келиб чиққан норзиликларни ёзма равишда тақдим этилади.

7.Ташкилотларни ,жамоаларни ва мураббийларни

мукофотлаш:*ташқилотлар ,жамоалар,қатнашчилар ва мураббийлар файси ўрин учун ниам билан мукофотланадилар кўрсатилиди.*

8.Жамоаларни қабул қилиш:*Маблағ ажратувчи ташиқилот келиш ва кетиш муддатлари,жойлаштириш,ва овқатлантириш шароитлари кўрсатилади.*

9. Талабномаларни ва қайта талабномаларни тақдим этиш турлари ва вақтини,жамоаларва қатнашчиларни расмийлаштириш тартиби ҳамда зарур бўлган кўшимчаларни расмийлаштириш тартиби бўйича хужжатлар(паспорт, тоифа билетлари ва бошқалар)кўрсатилади.

Мусобақаларнинг аҳамияти

Футбол мусобақалари ўқув-машғулот ишларининг асосий қисмини ташкил этади. Улар машғулотларда қизиқишни оширади, мамлакатда футболнинг оммавий ривожланишига ёрдам беради. Футболчи ўйинларда мунтазам қатнашмай туриб юқори натижаларга эриша олмайди. Мусобақалар мусобақа қатнашчиларининг ва умуман команданинг жисмоний, техник, тактик ва ахлокий-иродавий тайёргарлиги даражасини аниқлайди, ўқув-машғулот жараёнининг аҳволи ва йўналишини аниқлаш имконини беради. Мусобақа натижалари ўқув-машғулот ишларини яқунлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мусобақалар қатъийликни, ғалабага эришиш йўлидаги ирода кучини, корхона жамоаси, шаҳар, республика, мамлакат олдидаги масъулият ҳиссини тарбиялайди. Ўйин-ларнинг эмоционал кескинлиги футболчиларнинг психоло-гик хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

Очиқ ҳавода ўтказиладиган мусобақалар қатнашчи-ларни соғломлаштириш жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлиб, жисмоний камолотнинг ҳаммабоп ва қимматли воситаларидан биридир. Мусобақалар кўп сонли томоша-бинларни жалб қилиш билан футболни тарғиб қилиш ва оммалаштиришнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Улар мусобақа қатнашчилари ва томошабинларга уюштирувчи таъсир кўрсатиб, томошабинларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга жалб этади.

Футбол ҳакамининг тарбиячи – педагог ва ўйин раҳбари сифатидаги аҳамияти жуда катта. Аниқ ҳакамлик қилиш, майдонда рўй берадиган кўполликларга ва айрим футбол-чиларнинг интизомсизлигига қарши қатъий курашиш, мусобақалашаётган команда ўйинчиларига ўз вақтида танбех ва кўрсатмалар бериш мусобақани тактик ва техник жиҳатдан юқори даражада ўтказишга ёрдам беради.

Мусобақа турлари

Олдига қўйилган вазифаларга қараб мусобақаларни асосий ва ёрдамчи мусобақаларга бўлиш мумкин.

Ягона спорт таснифи талабларига мувофиқ ташкил этиладиган ва натижаларига кўра спорт таснифи белги-ланадиган ҳамда ғолиб ёки чемпион деган ном бериладиган мусобақалар асосий мусобақаларга киради.

Мусобақаларнинг асосий тури – таквим мусобақалар бўлиб, улар спорт тадбирларининг ягона таквим режасида назарда тузилади ва тасдиқланган низомга мувофиқ равишда ўтказилади.

Қўйидагилар мусобақаларнинг асосий турларига киради:

- биринчилик ёки чемпионатлар;
- кубок мусобақалари;
- саралаш мусобақалари.

Биринчилик ёки чемпионатлар – энг масъулиятли мусобақалар бўлиб, уларнинг натижалари бўйича ғолиб командага чемпионлик номи берилади. Мусобақаларни ташкил этишнинг бу тури командалар кучини оқилона

баҳолашга, олиб борилаётган ўқув-тенировка ишининг сифатини таққослашга имкон беради.

Кубок мусобақалари жуда кўп командаларни жалб этиш ва ғолибни нисбатан қисқа муддатларда аниқлаш мақсадида ўтказилади. Кубок мусобақалари энг яхшиларни изчиллик билан олиш принципи бўйича ўтказилади.

Саралаш мусобақалари мусобақаларнинг кейинги босқичида қатнашиш учун энг кучли командаларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мусобақаларнинг ёрдамчи турларига қўйидагилар киради:

- назорат учрашувлари;
- ўртоқлик учрашувлари;
- намунали учрашувлар;
- қисқартирилган мусобақалар.

Назорат учрашувлари командаларни бўлажак мусобақа-ларга тайёрлаш ва уларнинг тайёргарлигини текшириш мақсадида ўтказилади.

Ўртоқлик учрашувлари ўқув-машғулот мақсадларида ёки анъанавий мусобақалар планида ўтказилади.

Намунали учрашувлар футболни оммалаштиришга ва спорт маҳоратини кўрсатишга хизмат қилади.

Қисқартирилган мусобақалар бир неча соат мобайнида ўтказилади. Улар, одатда, байрам кунларига ва спорт мавсумининг очилиш ёки ёпилиш кунларига режалаш-тирилади.

Бундай мусобақаларни ўтказишда ўйин вақти қисқар-тирилади. Қисқартирилган мусобақаларнинг дастури фақат ўйин ўтказишни эмас, балки ўйинчиларнинг техник ёки жисмоний таёргарлигига доир мусобақаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Мусобақаларни режалаштириш

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ҳаракатининг ташкилий тузилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда республикалар, вилоятлар, шаҳарлар ва жисмоний тарбия жамоаларида ўтказиладиган футбол мусобақаларининг муайян тизими қарор топган. Бу тизим турли кўламдаги мусобақаларнинг минтақавий ва муассаса приципини ҳисобга олган ҳолда муттасил, изчил бўлишини ва алмашилиб туришини талаб этади.

Бу мусобақаларнинг бир йўла икки жойда бўлиши, жамоаларнинг ҳаддан ташқари банд бўлиб қолиши, узоқ вақт йўлда бўлишнинг олдини олишга ҳамда жамоаларда тўла қимматли ўқув-машғулот ишлари учун шароит яратишга имкон беради. Мусобақанинг умумий йиғма тақвим режаси фақат тадбирлар рўйхати эмас, балки спорт ташкилот-ларининг футболини янада ривожлантириш юзасидан биргаликда олиб борадиган ишларнинг чуқур ўйланган режасидир.

У территориял ва идоралар бўйича уюштириладиган мусобақаларни ўтказиш билан алоқадор барча масалаларни ўз ичига олади. Республика, вилоят ўлка ва шаҳар мусобақаларининг йиғма тақвим режасини юқори ташки-лотлар томонидан режалаштириладиган мусобақаларни ҳисобга олган ҳолда, 4

йиллик қилиб тузиш мақсадга мувофиқдир. Зарур ўзгартиришлар киритилгандан кейин футбол бўйича умумий йиғма режа тегишли жисмоний тарбия ва спорт қўмиталарининг оммавий спорт тадбирлари режасига киритилади ҳамда барча спорт ташкилотчилари учун мажбурий ҳисобланади.

Ўйин тизимлари

Амалда ўйиннинг учта асосий тизими қарор топган: даврالي тизим, бир ёки икки марта ютқазгандан кейин ўйиндан чиқиб кетиладиган тизим, аввалги икки тизимнинг комбинациясидан иборат бўлган аралаш тизим.

Даврالي тизим

Мусобақанинг даврالي тизимида ҳар бир команда, агар мусобақа бир даврالي ўтказилса, бир-бири билан бир марта, агар мусобақа икки даврالي ўтказилса, икки марта учрашиши керак. Унинг бундай тизим ёки адолатли мусобақалашувчилар кучлари нисбатини анча оқилона белгилашга ва кучли жамоани аниқлашга имкон беради, бунда мусобақанинг умумий якунидаги тасодифийлик элементи маълум даражада бартараф қилинади. Бу тизим бўйича мусобақаларни икки даврالي қилиб ўтказиш энг тўғри ҳисобланади. Даврالي тизимда мусобақа иштирокчиларининг барча ўринлари тўпланган очколар сонига қараб аниқланади. Ўтказилган барча ўйинлар натижасида энг кўп очко олган жамоа (ёки жисмоний тарбия коллективи) ғолиб ҳисобланади. Бир ёки бир неча жамоаларда очколар тенг бўлиб қолганда, ғолибни аниқлаш учун мусобақа тартибида қандайдир қўшимча кўрсаткичлар ёки тадбирлар (масалан, шу жамоалар ўртасида қўшимча ўйин ёки шу жамоалар ўртасидаги аввал ўйналган ўйин натижалари, ёки киритилган тўплар нисбати) назарда тутилган бўлиши керак.

Даврالي тизим бўйича ўйнаш тартибида куръа ташлаш билан мусобақада қатнашувчи командаларнинг номерлари аниқланади. Жамоаларнинг аниқланган рақамлари асосида ўйинлар жадвали (календари) тузилади. Мусобақалар бир даврالي қилиб ўтказилганда, ўйин бир-бири билан беллашувчи икки жамоадан дастлабкисининг майдонида ўтказилади. Агар мусобақада икки давра назарда тутилган бўлса, иккинчи ўйин кейинги жамоа майдонида ўтказилиши керак.

Даврالي тизим бўйича ўтказиладиган ўйинлар календарини уч усул билан тузиш мумкин.

Биринчи усул. Мусобақада иштирок этувчи командалар сонига қараб, жамоаларнинг умумий сонига яқин бўлган тоқ сон олинади ва унга мувофиқ равишда вертикал чизиклар ўтказилади. Масалан, 6 та жамоа бўлганда, унга (яъни 6 сонига) яқин бўлган тоқ сон 5 бўлади. Демак, беш вертикал чизик ўтказиш зарур. Жамоалар сони 10 та бўлганда, унга яқин тоқ сон – 9, демак, тўққизта вертикал чизик чизилган бўлиши керак ва хоказо.

Вертикал чизикларнинг остидан ва устидан, пастдан бошлаб чапдан ўнгга қаратиб жамоалар номери кетма-кет тартибда биринчидан мусобақада қатнашувчи жамоалар-нинг умумий сонига энг яқин бўлган тоқ сонгача, орада бир чизик қолдириб ёзиб чиқилади (10-жадвал).

Бу рақамлар кейинги рақамларни график тарзида ёзиш учун дастлабки режа бўлиб ҳисобланади. Биринчи кун ўйинлар тақвимини тузиш учун биринчи рақамдан бошлаб вертикал чизиқ атрофида соат стрелкасига қарши йўналишда ошиб борувчи тартибда барча иштирок этувчи рақамлар ёзиб чиқилади. Қолган ўйин кунларининг тақвимини тузиш учун вертикал чизиқлар ўртасидаги барча рақамлар, аввал уларнинг остига ва устига қўйилган рақамларни ҳисобга олган ҳолда, илони қилиб қўйиб чиқилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, рақамлар бирин-кетин вертикал чизиқларнинг ўнг томонидан тартиб борувчи тартибда такрорланиб ёзилади. Шундан кейин иккинчи ва қолган тақвим кунларида беллашувчи жамоаларни аниқлаш учун ҳар бир вертикал чизиқнинг чап томонига аввалги тақвим кунларидаги барча рақамлар ўзгаришсиз ўтказилиши керак.

5-жадвал 10 жамоа учун ўйинлар тақвимини тузиш (10 га энг яқин бўлган кичик тоқ сон – 9)

6			7			8			9								
6	5	5	7	7	6	6	8	8	7	7	9	9	8	8	1	1	9
7	4	4	8	8	5	5	9	9	6	6	1	1	7	7	2	2	8
8	3	3	9	9	4	4	1	1	5	5	2	2	6	6	3	3	7
9	2	2	1	1	3	3	2	2	4	4	3	3	5	5	4	4	6
1			2			3			4			5					

6—жадвал Турлар бўйича ўйинлар

1- тур	2- тур	3- тур	4- тур	5- тур	6- тур	7- тур	8- тур	9- тур
1- 10	10– 6	2-10	10-7	3-10	10-8	4-10	10-9	5-10
2-9	1-2	3-1	2-3	4-2	3-4	5-3	4-5	6-4
3-8	9-3	4-9	1-4	5-1	2-5	6-2	3-6	7-3
4-7	8-4	5-8	9-5	6-9	1-6	7-1	2-7	8-2
5-6	7-5	6-7	8-6	7-8	9-7	8-9	1-8	9-1

Ҳамма графалар тўлдирилиб чиқилганидан кейин, ўйинларнинг тақими тузилади. Бунинг учун вертикал чизиқнинг икки томонида турувчи рақамлар жуфт-жуфт қилиб бирлаштирилади. Мусобақада иштирок этувчи жамоалар

сони тоқ бўлса, ҳар бир вертикал чизиқнинг остида ёки устида турувчи рақамлар мазкур тақвим кун (шу турда) ўйнамайдиган жамоа эканини кўрсатади.

Жамоалар сони жуфт бўлганда (масалан, жамоалар сони ўн та бўлганда) кўрсатилган (вертикал чизиқнинг остида ёки устида) рақамлар (жамоалар) охири рақамлар (ўнинчи) билан ўйнайдилар.

Турлар бўйича ўйинлар жадвали бўш рақамли жамоалар (вертикал чизиқ остида ёки устидаги рақамлар) билан сўнги рақамли жамоа ўйинини ҳисобга олган ҳолда тузилади (юқоридаги мисолда 1-рақам билан, 10-рақам билан ва ҳоказо).

Одатда, тур жадвалида биринчи бўлиб кўрсатилган жамоа майдон эгаси ҳисобланади. Шунинг учун қуръанинг охири рақами (масалан, мусобақада қатнашувчи жамоалар ўн та бўлганда 10-рақам) ҳар бир турдан кейин ўрин алмашиб туради. Қолган беллашувчи жамоалар вертикал чизиқнинг ўнг томонида турувчи рақамдан бошлаб тузилади.

Шундай қилиб, бу усулда жамоаларнинг ҳар бир турда навбат билан майдон алмашишига қатъий риоя қилинади.

Иккинчи усул («қаторасига»). Ўйинлар тақвимини ўйинда иштирок этувчи ҳамма жамоаларни бир қаторга жуфт-жуфт қилиб ёзиш усули билан тузишда майдонлар алмашишининг аввалгидек шартлари, яъни учрашув «эгаси» ҳуқуқи сақланади. Мазкур усулда жамоаларнинг жуфт сони олинади (масалан, агар мусобақада 7 жамоа қатнашса, ўйинлар тақими 8 жамоага тузилади; агар 9 та жамоа бўлса, 10 жамоага тузилади ва ҳоказо).

8 та жамоа бўлганда биринчи тақвим кун қуйидаги тартибда тузилади: бир қаторда биринчи рақам охири 8-рақам билан, иккинчи рақам охири рақамдан олдинги 7- рақам билан бирлаштирилади, яъни бир-бири билан ўйновчи жамоа аниқланади ва ҳоказо. Шунда қуйидаги жамоалар беллашадиган бўлиб чиқади: 1-8, 2-7, 3-6, 4-5.

7—жадвал Жамоа учун ўйинлар тақвимини «қаторасига» тузиш

1-кун	1-8	2-7	3-6	4-5
2-кун	5-1	6-4	7-3	8-2
3-кун	1-2	3-8	4-7	5-6
4-кун	6-1	7-5	8-4	2-3
5-кун	1-3	4-2	5-8	6-7
6-кун	7-1	8-6	2-5	3-4
7-кун	1-4	5-3	6-2	7-8
Назорат қатори	8-1	2-7	3-6	4-5

Кейинги тақвим кунларидаги ўйинлар жадвалини тузиш дастлабки жуфтликдаги 1-рақамни аввалги тақвим кундаги ўнг томондаги чекка рақам билан бирлашти-ришдан бошланади. Бунда майдонлар алмашиниши учун 1-рақам навбатма-навбат жуфтликнинг гоҳ ўнг, гоҳ чап томонига қўйилади. Қолган жуфтликлар (бир-бири билан ўйнайдиган жамоалар) қолган

рақамларни жуфт-жуфт қилиб бир қаторга ёзиш билан тузилади, бунда бирлаштириш ўнг томондан бошланади.

Шундай қилиб, иккинчи тақвим куни қуйидаги жамоалар бир-бири билан беллашади: 5-1, 6-4, 7-3, 8-2.

Иккинчи ва ундан кейинги тақвим кунларини тузиш учун биринчи жуфтликнинг 1-рақамдаги ўрин бошқа рақамдаги (мазкур ҳолда 8-рақамни) қолдирилади, кейинги жуфтликларни бирлаштириш принципи аввалгидек бўлади.

Назорат қаторида ҳосил бўладиган жуфтликларнинг (биринчидан ташқари) биринчи календарь кунидаги жуфт-ликлар билан тўғри келиши барча кунлар бўйича тузилган ўйинлар тақвимининг тўғрилигини тасдиқлайди. Ўйинлар тақвими икки даврала бўлганда, барча жуфтликлардаги рақамлар алмаштирилади. Ўйинлар тақвимини тузиш ва уни назорат қилишнинг оддийлиги – бу усулнинг афзаллигидир.

Учинчи усул. Бу усул аввалги икки усулдан ҳам оддий: у мусобақа ўтказиш жараёнида майдоннинг алмашилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган тақдирда (мусобақалар бир жойда ўтказилганда) қўлланилади.

Учинчи усулга биноан ўйинлар тақвими бевосита турлар бўйича тузилади. Мусобақада қатнашувчи жамоалар сонига мос бўлган рақамлар (жамоалар сони жуфт бўлганда) биринчи рақамдан бошлаб икки устунча қилиб ёзилади (бутунда 1-рақам чап устунчанинг тепасидан бошланади). Шундан кейин иккинчи рақамдан бошлаб (бу рақам, яъни 2- рақам иккинчи устунчага, биринчи рақамнинг қаршисига ёзилади), кетма-кет тартибда соат стрелкаси бўйлаб қолган рақамлар қўйиб чиқилади. Кейинги тур ўйинларини тузиш учун рақамлар соат стрелкасига қарши ёзиб чиқилади, биринчи рақам ўз ўрнида қолади.

8—жадвал 8 жамоа учун турлар бўйича ўйинларнинг тақсимланиши

1-тур	2-тур	3-тур	4-тур	5-тур	6-тур	7-тур
1-2	1-3	1-4	1-5	1-6	1-7	1-0
0-3	2-4	3-5	4-6	5-7	6-0	7-2
7-4	0-5	2-6	3-7	4-0	5-2	6-3
6-5	7-6	0-7	2-0	3-2	4-3	5-4

Агар мусобақада қатнашувчи жамоалар сони тоқ бўлса, кейинги жуфт сон ўрнига «ноль» рақами қўйилади, қолганлари эса ўзгаришсиз қолади. Тақвим бўйича «ноль» рақами билан ўйнаши керак бўлганлар мазкур турда ўйнамайди.

9-жадвал 7 жамоа бўлганда ўйинларни турлар бўйича тақсимлаш

1-тур	2-тур	3-тур	4-тур	5-тур	6-тур	7-тур
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------

1-2	1-3	1-4	1-5	1-6	1-7	1-0
0-3	2-4	3-5	4-6	5-7	6-0	7-2
7-4	0-5	2-6	3-7	4-0	5-2	6-3
6-5	7-6	0-7	2-0	3-2	4-3	5-4

Даврлари тизим бўйича бир даврлари мусобақалар ўтказишда керак бўлган вақтни аниқлаш учун ўйинларнинг умумий сонини бўлиш керак.

Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$И = \frac{K(K-1)}{2}$$

бунда И – ўйинлар сони,

К – мусобақада иштирок этувчи жамоалар сони.

Масалан: К = 16

$$И = \frac{16 * (16 - 1)}{2} = 120$$

Турлар ўртасидаги ўйинлар жадвалини тузишда жамоаларнинг ўқув-машғулоти ишларини ўтказишга имкон берадиган даражада танаффус бўлишини назарда тутиш керак.

Ўйинлар (мусобақа)да ўринларни аниқлаш

Ўтказилган мусобақа натижасида ғолиб ва мусобақада иштирок этган жамоалар эгаллаган кейинги ўринлар аниқланади. Шу мусобақада жамоанинг ўтказган ҳар бир ўйини унинг натижасига қараб, очколар бериш йўли билан баҳоланади. Коллективдан битта жамоа қатнашадиган давралар тизими бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қуйидагича ҳисобга олиш шкаласи кенг тарқалган бўлиб, унга биноан ғалаба учун – 2, дуранг учун – 1, мағлубият учун -0 очко берилади. Жамоаларнинг ўйинга келмаганлигини мағлубият билан тенглаштирмаслик учун бошқача ҳисоблаш шкаласи қабул қилинади, масалан: ғалаба –3 очко, дуранг – 2 очко, мағлубият – 1 очко, ўйинга келмаслик – 0 очко.

Клублар бўйича ҳисобга олишда, жисмоний тарбия жамоалари мусобақаларда бир неча жамоалар билан қатнашганда (вилоят, шаҳар ва туман биринчиликлари ўйналаётган вақтда шундай бўлиши мумкин) ҳисобга олиш шкаласи ҳар бир жамоага алоҳида-алоҳида очколар ёзишни талаб қилади.

Натижалар клублар бўйича ҳисобга олинadиган мусобақада олти жамоа билан қатнашувчи жисмоний тарбия коллективи жамоаларига бериладиган баҳолаш очколари шкаласи мисол тариқасида келтирилган.

10-жадвал Алоҳида – алоҳида баҳолашнинг тахминий шкаласи

Натижа	Жамоалар бўйича баҳолаш очколари
--------	----------------------------------

	1	2	3	4	5	6
Ғалаба	18	15	12	9	6	3
Дуранг	12	10	8	6	4	2
Мағлубият	6	5	4	3	2	1
Ўйинга келмаганлик	0	0	0	0	0	0

Мусобақа ўтказишнинг муайян шароитлари ва олдинга қўйилган вазифаларга қараб очколар дифференциацияси турли жамоалар учун бошқача бўлиши мумкин. Бироқ, одатда, мағлубият ғалаба учун бериладиган очколарнинг 1/3 ни, дуранг учун бериладиган очколарнинг 2/3 ни, келма-ганлик учун 0 қисмини беришини назарда тутиш керак.

Мусобақада ўринлар жамоаларнинг ҳамма ўйинларда тўплаган очколари йиғиндисига қараб узил-кесил аниқ-ланади. Энг кўп очко тўплаган жамоа ғолиб ҳисобланади. Агар дастлабки бир неча жамоаларнинг тўплаган очколари сони бир хил бўлса, ғолибни узил-кесил аниқлаш учун улар ўртасида қўшимча ўйинлар ўтказилиши мумкин ёки ўринлар киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбати бўйича, ёки улар ўртасида мусобақа жараёнида ўтказилган ўйин натижалари бўйича аниқланади.

Жисмоний тарбия коллективининг барча жамоалари мусобақада иштирок этиш натижасида тўплаган очколари йиғиндисига қараб клублар бўйича ғолиблар аниқланади.

Қуйида нисбатан қисқа муддатларда кўп команда иштирокида ўтказиладиган мусобақаларда қўлланиладиган даврлари ўйин тизимининг хилларида бири келтирилади. Бу тизимда ҳамма жамоалар бир неча гуруҳга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳдаги ўйинлар даврлари тизим бўйича очколар бериш йўли билан ўтказилади. Шундан сўнг кичик гуруҳ ғолибларидан ёки кичик гуруҳларда 1-2-ўринларни олган жамоалардан янги гуруҳлар тузилади ва бу гуруҳлар ҳам даврлари тизим бўйича ўйинлар ўтказади. Ғолибни аниқлаш учун бўладиган финал ўйин гуруҳ ғолиблари ўртасида ўтказилади. Қолган ҳамма ўринлар кичик гуруҳларда тегишли ўринни эгаллаган жамоалар ўртасида ўйинлар ўтказиш билан аниқланади.

Масалан: Германияда бўлиб ўтган 16 жамоа ўртасидаги 1974 йилги жаҳон биринчилиги мусобақалари шундай тизим бўйича ўтказилган. Дастлабки босқичда ҳамма жамоалар тўртта гуруҳга бўлинган эди:

I гуруҳ: 1, 2, 3, 4-номерлар III гуруҳ: 9, 10, 11, 12-номерлар

II гуруҳ: 5, 6, 7, 8-номерлар IV гуруҳ: 13, 14, 15, 16-номерлар

Жамоалар рақамлари қуръа ташлаш билан аниқла-нади. Айрим ҳолларда, жаҳон биринчилигида бўлгани каби, ҳар бир гуруҳга аввалги жаҳон биринчилигида катта натижалар кўрсатган жамоалардан ажратилади.

Кичик гуруҳларда жамоалар даврлари тизим бўйича ўйнайдилар. Кичик гуруҳларда ўтказилган ўйин натижа-ларига қараб, ҳар бирида 4 тадан жамоа бўлган иккита гуруҳ тузилади (мазкур мусобақада 1-босқичдан кейин 8 та

команда ўйиндан чиқиб кетар ва уларнинг ўрни аниқланмас эди, гарчи буни худди шунга ўхшаш тизим бўйича аниқлаш мумкин бўлса ҳам):

I гурӯҳ 1- ўрин

III гуруҳ 1 –ўрин

I гурухдаги 2- ўрин

III гурухдаги 2- ўрин

IV гурухдаги 1- ўрин

«А» ва «Б» гуруҳларда жамоалар даврала тизим бўйича бир давра ўйин ўтказадилар. Финалда биринчи ўрин ва чемпионлик унвонини олиш учун «А» ва «Б» гуруҳларнинг ғолиб жамоалари ўйнайдилар, 3-4 ўринлар учун эса гуруҳ-ларда иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар куч синаша-дилар. Шундай схема бўйича 16 жамоа бўлганда, дастлабки тўрт ўринни аниқлаш учун 38 та ўйин ўтказилган бўлиши керак.

Гуруҳларда тегишли ўринларни эгаллаган жамоалар ўртасида ўтказиладиган шундай ўйинлар ёрдамида барча саккиз ўринни аниқлаш мумкин.

Мусобақалар натижалари бўйича жадвал(табליаа резулътатов)

[illegible]

